O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ...

Ватан ҳимояси – иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 9 октябрь, жума № 41 (2324). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 9 октября, 2009 год, № 41 (2324). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

АРМИЯНИ ТОМ МАЪНОДА АРМИЯ ҚИЛАДИГАН, ҲАР ҚАНДАЙ МУРАККАБ ВАЗИЯТ ВА СИНОВЛАРДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ЧИҚИШГА АСОС БЎЛАДИГАН, УНИНГ ЖАНГОВАР ҚУДРАТИ ВА ҲАРБИЙ МАҲОРАТИНИ ЮКСАЛТИРАДИГАН КУЧ – БУ АРМИЯ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ИНСОНЛАРДИР.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН – УММОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4-5 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Уммон Султонлигида бўлди.

Уммон Султонининг саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Уммон Султони Қобус бин Саид фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Уммон раҳбарларининг учрашуви бўлди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Уммон Султонлиги билан ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Қобус бин Саид Ўзбекистон раҳбарининг Уммонга давлат ташрифи Ўзбекистон-Уммон алоқаларидаги тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз терроризм, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси каби таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларда ҳамфикрдир. Уммон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

Ўзбекистон ва Уммон БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти каби халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Уммон билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очади. Уммон Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қарайди. Мамлакатимиз билан алоқаларни кенгайтириш орқали Уммон учун бутун минтақамиз билан ҳамкорликни ривожлантириш имконияти янада кенгаяди.

Ўзбекистон ҳам, Уммон ҳам ёқилғи-энергетика мажмуи соҳасида улкан салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалигида катта тажриба орттирган. Нефть-газ, нефть кимёси, металлургия, қурилиш, машинасозлик, тўқимачилик каби соҳаларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб боришдан икки томон ҳам манфаатдор.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари фаоллашиб бормоқда. 2007 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Сўнгги икки йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ошди, аммо мамлакатларимиз имкониятлари эришилган натижалардан анча кенг. 2008 йилнинг декабрь ойида қатор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Уммон Султонлигига ташриф буюриб, иқтисодиёт, савдо, саноат, меҳнат, транспорт ва коммуникациялар, туризм каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идораларида ҳамда Марказий банкда учрашувлар ўтказди.

Музокараларда Уммон вакиллари алоҳида эътибор қаратган жиҳат озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бўлди. Расмий Масқат Ўзбекистон ғалласи ва мева-сабзавот маҳсулотлари импортини йўлга қўйиш таклифини илгари сурди. Шунингдек, Уммоннинг Давлат бош захира ва Сармоя жамғармалари билан Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи асносида Уммон Савдо-саноат палатасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Уммоннинг ўттиздан ортиқ етакчи фирма ва компаниялари, қатор банклари вакиллари иштирок этди. Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорликка оид шартнома, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Масқат банки ҳамда Уммон араб банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

(Давоми 2-бетда).



Ҳарбий сержант Аҳрор ҲАЙДАРОВ суратга олган.

Маҳорат етаклар матонат сари

ЎЗБЕК БОКСИ ЖАҲОН СПОРТИ ШОҲСУПАСИДА

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ САОДАТИ

Ўзбекистонлик спортчиларнинг Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда совриндорлар қаторидан мунтазам ўрин олаётгани барчамизга фахр-ифтихор бағишламоқда, юртимиз шуҳратини янада юксалтирмоқда. Жорий йилнинг 1-12 сентябрь кунлари Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медаль жамғариб, 133 мамлакат орасида умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларимиз эл-юртимиз ардоғида, уларни муносиб рағбатлантириш доимий эътиборда. 30 сентябрь куни пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида музаффар боксчиларимизни шарафлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Миландаги шиддатли ва муросасиз курашларда юксак марраларни эгаллаш учун қатнашган паҳлавонларимиз халқимизнинг, жамоатчилигимизнинг диққат-эътиборида, ҳар бир спортчини минглаб мухлислар қўллаб-қувватлаб, уларга мадад тилаб тургани шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, бутун Ўзбекистон халқи ўғлонларимиз эришган ютуқларни ўз галабасидек қабул қилди. Шу нуқтаи назардан қараганда боксчиларимизнинг жаҳон рингларида қўлга киритган улкан зафарлари бутун халқимизнинг галабасидир.

Бу муваффақиятнинг асосий мазмун-моҳияти ва аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон номини ва нуфузини бутун дунёда янада юксалтириш, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этишга хизмат қилади. Ўзбек боксчиларининг бу улкан ютуғи спорт соҳасига энди кириб келаётган, забардаст спортчиларимизнинг сафига қўшилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёшларга ибрат бўлиши билан ҳам шарафлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ, бокс бўйича Италияда ўтган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга, ёш авлодни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун фахрий унвон ва орденлар билан тақдирланди.

Маросимда Ватанимизнинг юксак мукофотлари спортчиларга тантанали равишда топширилди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев, жаҳон чемпиони Аббос Атоев, кумуш медаль соҳиби Элшод Расулов, бронза медаль соҳиблари – Ботир Маҳмудов ва Баҳодир Султоновга Президент совғаси – "Нексия" ва "Матиз" автомобиллари топширилди.

(Давоми 23-бетда).

6 КОНКУРС
ВЫСОКИЙ УРОВЕНЬ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА

7 СЕНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!
МАРДЛИК МАКТАБИДА ТОБЛАНГАН ЎҒЛОН

22 СПОРТ
УБЕДИТЕЛЬНЫЙ РЕВАНШ ХОЗЯЕВ

24 ОБУНА–2010
«ВАТАНПАРВАР» – БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

ЖАРАЁН

ЎЗБЕКИСТОН – УММОН:
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

2009 йил март ойида эса Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккий раҳбарлигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Уммон фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Анжуман якунида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, Ўзбекистон-Уммон қўшма сармоявий жамғармасини ташкил қилиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси биносини қуриш тўғрисидаги протокол имзоланган эди.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, меъморий обидалари, буюк алломалар хоки қўним топган қадамжолари Уммон аҳлида катта қизиқиш уйғотиши табиий. Айни пайтда Уммонда ҳам кўплаб тарихий обидалар борки, улар Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари учун ўз мижозларига таклиф этадиган яхши ресурс бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ислом Каримов ва Қобус бин Саид музокаралари Ўзбекистон-Уммон муносабатларини икки мамлакат манфаатларига мос тарзда янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги поғонага кўтаришига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. Томонлар Тошкентда ва Масқатда ўз элчихоналарини очиш хусусида келишиб олди.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларга оид ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Уммон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилиб, сармоявий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон иқтисодиёти устувор соҳаларининг тақдимоти ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Масқат шаҳридаги Султон Қобус масжиди ва Уммон Қуролли Кучлари Султонлик музейини бориб кўрди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг давлат ташрифи Уммон Султонлиги оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунига етди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Масқат-Тошкент

БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

Сайловнинг ошкора ва эркин, демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситалари ғоят муҳим ўрин тутади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияга мувофиқ оммавий ахборот воситалари жорий, 2009 йилда ҳам сайлов жараёнини кенг ёритиб боради.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, шунингдек, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан битимлар имзоланди.

Ушбу битимлар сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тадбирлардан кенг хабардор қилиш мақсадида имзоланди. Битимларда аҳоли ўртасида миллий сайлов қонунчилигини – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунлари моддалари ҳамда сайлов жараёнини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни сайловчилар ўртасида тушунтириш бўйича ишларни самарали ташкил этиш борасидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан, жумладан, тенг эфир вақти ва босма майдони ажратиш орқали уларга тенг шароит яратилишига алоҳида эътибор қаратилган.

– Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик Марказий сайлов комиссияси Концепциясида ва мамлакатимиз парламенти ҳамда маҳаллий ҳокимият органларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасида кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида амалга оширилмоқда, – деб таъкидлади битимларни имзолаш якунларида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов. –Ҳамкорлигимизнинг асосий мақсади – барча сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари ва улар томонидан кўрсатиладиган номзодлар билан танишиш, сайлов куни онгли равишда овоз бериш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат. Томонлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий теле, радиоканалларида, давлат босма оммавий ахборот воситаларида ва республиканинг ахборот агентликлари орқали сайловга тайёргарликнинг бориши ва уни ўтказишга оид ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида ҳамкорлик қилади.

(ЎзА).

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Тошкентда 29-30 сентябрь кунлари "Сиёсий партиялар ва сайлов: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон қонунчилиги" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) ва "Минтақавий мулоқот" нодавлат ташкилоти (Словения) томонидан ташкил этилди

Форумда Беларусь, Буюк Британия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Польша, Россия, Словакия, Словения, АҚШ, Украина, Чехия, Япония ва халқаро ташкилотлардан экспертлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати иштирокчилари давлат ва жамият қурилишини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ролини, жумладан, қонунчилик ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларда сиёсий партиялар иштирокини кенгайтириш орқали сайлов жараёнининг демократлигини таъминлашда қатор мамлакатлар тажрибасини муҳокама этди.

Хорижий экспертлар ўз чиқишларида истиқлол йилларида Ўзбекистонда мамлакатнинг барқарор ва жадал ривожланиб бораётган сиёсий тизими, профессионал асосда фаолият кўрсатаётган икки палатали парламент ташкил этилгани, демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқий нормаларга тўлиқ жавоб берадиган сайлов тизими ва сайловлар қонунчилик базаси, фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилганини таъкидлади.

Бунда Ўзбекистоннинг сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчилиги халқаро стандартларга тўла мослиги алоҳида қайд этилди. Унинг рўёбга чиқарилиши ва янада ривожлантирилиши мамлакатимизда кўппартияли тизимни амалда мустаҳкамлаш, демократик ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда партиялар ролини кучайтиришга таъсир кўрсатади.

Йонсей университети профессори Сангту Ко (Жанубий Корея): "Давра суҳбати давомида турли партиялар вакиллари ўртасидаги қизғин баҳсларнинг гувоҳи бўлдим. Бу партиялар аъзоларининг қанчалик фаоллиги, уларнинг ўз сиёсий қарашларини нечоғлик аниқ белгилаши ва илгари суришидан далолат. Биз Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар дастурлари хилма-хиллиги билан бир-биридан ажралиб туришини кўрдик. Зеро, демократиянинг талаби ҳам шундай".

ЕХҲТнинг Грузиядаги миссиясининг инсон турмуш даражасини баҳолаш бўйича бошқармаси бошлиғи Инкери Аарнио-Лвофнинг сўзларига кўра, "Ўзбекистонда сиёсий партиялар тўғрисида қатор қонунларнинг қабул қилингани мамлакат тўғри йўлдан бораётганидан далолатдир. Ёш ва мустақил давлатингиз томонидан электоратнинг сиёсий маданиятини ошириш, аҳолининг сайлов кампанияси, сайлов қонунчилиги ҳақида хабардорлик даражасини юксалтиришда жамоат институтлари ролини кучайтиришга доир кўрилаётган чора-тадбирлар демократик ривожланишнинг муҳим таркибий қисмларидандир. Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Бугунги давра суҳбати каби тадбирларнинг ўтказилиши ушбу йўналишдаги муҳим қадамдир ва у мамлакатда юз бераётган сиёсий жараёнларни чуқур англаш имконини беради".

Хорижий экспертлар фикр алмашиш давомида одамларнинг сиёсий, ижтимоий ва фуқаролик онги, уларда ён-атрофида рўй бераётган воқеалар, мамлакатда барқарорликни мустаҳкамлаш учун жавобгарлик туйғусининг ошгани Ўзбекистонда бошланган сайлов кампаниясининг муҳим жиҳатларидандир, деган хулосага келди.

Хусусан, **ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Иштван Венцель** шундай деди: "Бўлажак сайлов Ўзбекистон сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, фуқароларнинг мамлакатда давлат ва сиёсий жараёнларни бошқаришда иштирокини таъминлайди. Бу ниҳоятда муҳим, негаки Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар давом этмоқда, давлатни бошқариш тизими ўзгармоқда. Бундай шароитда фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар роли анча ортади".

Миллий демократия институти вакили Кларк Плексиконинг (АҚШ) таъкидлашича, "ҳар бир халқ ўз анъанасига эга ва унинг сиёсий тизими ҳам шундан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Ўзбек халқи бу масалани мамлакатни ривожлантириш бўйича ўзининг маданий анъаналари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этмоқда. Бундай жараённи Европа ва АҚШда ҳам кузатиш мумкин. Бироқ, энг асосийси - сиёсий тизимдан қатъи назар, унинг барқарорлигини таъминлаш муҳим ва буни мамлакатингиз мисолида яққол кўриш мумкин. Ўзбекистонга келганимдан буён бу ерда сиёсий соҳада катта ўзгаришлар юз берганини қайд этишни истар эдим. Энг муҳими, мамлакатингизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Парламент ислоҳоти сиёсий тизимни ривожлантиришга кўмаклашди ва бу сайлов жараёнига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Ўзбекистон сиёсий тизимидаги ҳаётбахш ўзгаришлар АҚШ томонидан катта хайрихоҳлик билан кузатиб борилмоқда, биз Ўзбекистонни жамиятни янада демократлаштиришда қўллаб-қувватлашга тайёрмиз".

Ж. Неру номидаги университет профессори Ажай Кумар Патнаикнинг (Ҳиндистон) таъкидлашича, "Ўзбекистонда сиёсий соҳада жадал ва ижобий ўзгаришлар изчил давом этмоқда. Ҳаётнинг барча жабҳалари демократлаштирилмоқда. Бу туб ўзгаришлар аҳоли барча қатламларининг давлат бошқарувида иштирок этаётганидан далолатдир. Сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги анча ошганини ҳам таъкидлаш жоиз. Аҳолининг сайловга бўлган катта қизиқиши сайлов жараёнида ҳам ўз ифодасини топмоқда".

Муҳокама давомида хорижий экспертлар Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларида сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва партиялар ўртасида соғлом рақобат ортиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Буларнинг барчаси демократияни ривожлантириш омилларидан саналади ва сиёсий партияларнинг электорат олдидаги масъулиятини оширади.

Сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича эксперт Ян Дирк Блау (Голландия) кўпчиликнинг бу ҳақдаги фикрини умумлаштириб, шундай деди: "Ўзбекистонда сиёсий жараён изчил ва маромида ривожланмоқда. Биз сиёсий партиялар ўртасидаги сиёсий рақобатнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Улар ўзларининг ижобий мақсадларини илгари сурмоқда, негаки ушбу мақсадларга эришиш ҳокимият учун ҳам, халқ учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Шунингдек, сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат демократиянинг ягона мақсади эмас, деб ҳисоблайман. Дарҳақиқат, бундай рақобат дунёнинг кўпгина давлатларида мавжуд, аммо бу ҳар доим ҳам жамият фаровонлигининг кафолати ҳисобланмайди. Партиялар, аввалambор, ўз электоратига нисбатан самимий бўлиши лозим".

Хорижий экспертлар амалий мулоқот ва эркин фикр алмашиш руҳида ўтган муҳокама якунларини сарҳисоб қилар экан, Ўзбекистонда ташкил этилган сайлов тизими ҳақиқий демократик, очиқ, эркин ва транспарент сайловни ўтказиш учун мустаҳкам механизм сифатида хизмат қилишини таъкидлади. Сиёсий партияларга сайлов жараёни, давлат ҳокимиятининг қонунчилик ҳамда вакиллик органлари ишида ва умуман, жамиятни янада демократлаштириш бўйича ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиши учун қонун томонидан мустаҳкамланган кенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар берилган.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ҲАМДА ОГОҲЛИКНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

Сарлавҳада зикр этилган масалаларга эътибор, табиийки, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантаналардаги табрик сўзи ва нутқидан келиб чиқади. Жумладан, гўзал пойтахтимиз юбилейига бағишланган тантанали мажлисда давлатимиз раҳбари: **«Бугун жаҳонда, яқин ва узоқ атрофимизда бўлаётган кескинлашув ҳолатлари, умуман, бутун дунёда сақланаётган хавф-хатар ва қарама-қаршиликлар, шулар қаторида аввало халқаро майдонда давом этаётган молиявий инқирознинг ўзи бизни янада сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлишга ва ўз вақтида тегишли хулосаларни чиқаришга даъват этади»,** деб таъкидлади.

Ана шу кенг миқёсли кўрсатмадан келиб чиққан ҳолда биз бир қатор муҳим сиёсий ва ташкилий-амалий хулосалар қилиб олишимиз лозим.

Биринчи хулоса. Агар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган экан, демак, унга тааллуқли бўлган барча хусусиятлар ва унинг аломатлари ҳам давом этмоқда. Булар – иқтисодий рецессиялар, стагнация, депрессия (турғунлик), оммавий ишсизлик ва инқирозга хос бўлган моддий, молиявий ва ижтимоий кескинлик. Бу – деструктив кучларнинг фаоллашуви, террорчи, экстремистик ташкилотлар ва марказлар жиноий фаолиятининг кучайиши. Ва, ниҳоят, инқироз даврида банкротликка учраган баъзи мамлакатларнинг мураккаб иқтисодий ва ижтимоий ҳолатларидан ҳарбий куч қўллаш орқали чиқишга бўлган интилишлари.

Инқироз туфайли юзага келган ҳолат, шунингдек, халқаро терроризм ва экстремизмнинг фаоллашуви, Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг кескинлиги биздан хавфсизлигимизга нисбатан бўлаётган замонавий хавф ва таҳдидларни таҳлил қилиш бўйича ишларимизни янада такомиллаштириш, дунё ва минтақада содир бўлаётган воқеалар ривожини диққат билан кузатиш, уларнинг яқин ва ўрта муддатли истиқболга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларини аниқлаш ва Юртбошимиз айтганларидек, миллий хавфсизлигимиз манфаатларида **«ўз вақтида тегишли хулосаларни чиқариб олишимиз»** лозимлигини қатъий талаб этади.

Миллий хавфсизлик – кўп қиррали муаммо. Унинг таркибига сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ахборот, экологик, маънавий-ахлоқий ва бошқа характердаги масалалар киради. Онгимиз ва фикрлашимиздаги янгиланишларни ҳисобга олган ҳолда, масаланинг маънавий-ахлоқий томонига алоҳида эътибор қаратишимиз жуда муҳим. Босиб ўтилган 18 йиллик ривожланиш йўлимизга назар ташлар эканмиз, биз кенг миқёсли, тасаввурни лол қолдирувчи иқтисодий ва ижтимоий масалаларни олдинга сурган Президентимиз инсон тарбиясининг маънавий-руҳий ва ахлоқий муаммоларига ҳам катта эътибор қаратганига гувоҳ бўламиз. Бунинг устига, инсон омили, шахс, унинг манфаатлари ва эзгу орзу-умидлари доимо энг муҳим вазифалар қаторида туради. Ва шу сабабли, миллий хавфсизлик муаммоларини ҳал қилар эканмиз, биз инсон омилини, яъни шахсий ва давлат манфаатлари бир бутунликда бўлган инсонни шакллантириш масаласини биринчи ўринга қўйишимиз лозим.

Бугун биз халқимизнинг ҳақиқий қаҳрамонона меҳнатининг гувоҳи бўлиб турибмиз. **Бу давлат манфаатлари билан қамралган,** мамлакатимизни янги марраларга, ривожланишнинг сифат жиҳатидан янада юқори даражасига, иқтисодий жиҳатдан ривожланган кучли давлатлар даражасига олиб чиқиш борасидаги жонкуярлик билан ҳамоҳанг бўлишига эришишимиз керак.

Ўтган 18 йил бизга мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, давлатимиз иқтисодий қудратини замонавий технологиялар даражасига кўтариш, мамлакат мудофаа салоҳияти ва Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини янада такомиллаштириш имкониятини берди. Бугунги кунда, мунтазам равишда касбий ва маънавий-ахлоқий такомиллашув, юртга садоқат билан хизмат қилиш посбоннинг кундалик ташвиши, ўй-фикри бўлмоғи лозим. Посбон,сен шунчаки ўз бурчингни бажараяпсан. Фарзандлик ва ватанпарварлик бурчингни. Энг муҳими – доимо қадрдон замин, Ватанни ёдда тутмоқ зарур. Чунки биз – ўз ўзгаришлари, улкан бунёдкорлиги, қаҳрамонона меҳнати билан дунёни ҳайрон қолдираётган ва инқироз даври давом этаётган бугунги кунда кўплаб халқлар ва давлатлар, шу жумладан ривожланган давлатларга намуна бўлаётган буюк мамлакатмиз.

Иккинчи хулоса. У Қуролли Кучларнинг жанговар шайлиги билан бевосита боғлиқ. Унинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллигига бағишланган Мурожаатида белгилаб берилган талаблар ташкил этади. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида Мудофаа вазирлиги, Бирлашган штаб, округлар қўмондонликлари, барча даражадаги командирлар томонидан бу борада муҳим ишлар амалга оширилди. Гап ташкилий ва ўқув-тарбия ишларини давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифалар кўламига мос келувчи мазмун ва услублар билан тўлдириш ҳақида бормоқда. Ҳарбий кадрлар ишининг мазмун-моҳиятини янада яхшилашга Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам катта таъсир кўрсатди.

Бугунги кунда кўпчилик ҳарбий жамоалар учун нималар характерли? Аввало, уларнинг олдида турган вазифаларни чуқур англаш, командирлар, тарбиявий ишлар органлари, штаблар, барча офицер ва сержантларнинг дўстона, ўзаро уйғунлашган муҳити, олдинда турган вазифаларни сифатли ҳал қилиш йўллари ва усулларини излаш.

Бугунги кунда Юртбошимизнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқидан келиб чиқувчи муҳим вазифалар доирасини белгилар эканмиз, биз бундан кейин ҳам Мурожаатда белгиланган талабларга амал қилишимиз, ўз кучимиз, саъй-ҳаракатларимизни ундаги энг муҳим, дунё ва минтақадаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазият характеридан келиб чиқувчи талабларга, қисм ва бўлинмаларнинг тезкор, локал жанговар операциялар олиб бориш, тўпланган тажриба кўрсатиб турганидек, кўзлаган мақсадига етиш учун ўз фаолиятида энг қабиҳ, жирканч ва энг ғайриинсоний, ваҳший усуллардан фойдаланиши мумкин бўлган босқинчи тўдалар ва террорчиларга самарали қаршилик кўрсатишга доимо шай бўлиш вазифаларига қаратишимиз лозим. Бу биз бундан буён ҳам қисм ва бўлинмаларимизнинг уюшқоқлиги, маневрчанлиги, тезкорлигини таъминлашга, уларнинг мамлакатимиз хавфсизлигига нисбатан бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай хавф ва таҳдидларга самарали жавоб қайтариш қобилиятини такомиллаштиришга доимий эътибор қаратишимиз керак, демакдир.

Шуни унутмаслик керакки, техника ва технологиялар шунчалик юқори ва у шунчалик тез такомиллашиб бормоқдаки, бу бизга бир он ҳам нафас ростлаш имконини бермаяпти. У мунтазам равишда касбий, профессионал ўсишни талаб қилмоқда. У бўлмаса – жангда ҳам мазкур техника ва технологиялар ҳисобига устунлик бўлмайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: ўқитиш услубини такомиллаштириш, ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш, энг янги тренажёрлар, компьютер ва ахборот технологияларидан максимал фойдаланиш, разведкачилар, снайперларни касб бўйича турли танлов ва мусобақаларга тайёрлашга эътиборни кучайтириш ва мусобақанинг барча шакл ва услубларидан кенг фойдаланиш ҳисобига **бутун шахсий таркибнинг билим ва малакалари сифатини ошириб боришга доимий эътибор қаратиш олдимизда турган энг муҳим вазифаларимиздир.**

Ҳарбий хизматчиларимиз жанговар тайёргарлигини ташкил қилар эканмиз, шуни унутмаслигимиз лозимки, биз яхши қуролланган ва ўргатилган, унга инсоний ахлоқ ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари умуман ёт бўлган ғаламисларга рўбарў келишимиз мумкин. Бир нарсага эътибор қаратинг. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматининг террорчилар гуруҳини йўқ қилишга қаратилган махсус операция ҳақидаги хабарида **«уюшган жиноий гуруҳ аъзолари хорижий террористик марказларда ҳарбий тайёргарлик ўтаган»,** деб таъкидланган.

Кўриб турганимиздек, улар ҳар қандай қўпорувчилик, ифвогарлик, босқинчилик ҳаракатларига яхши тайёргарлик кўради. Бизнинг тайёргарлигимиз ва жанговар шайлигимиз ундан-да юқори ва ишончли бўлиши зарур. Чунки сиз билан биз ўз муқаддас заминимизни, ўз Ватанимиз, мустақиллигимиз ва эркимизни ҳимоя қиламиз.

Бизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги муваффақиятларимиз улкан ва шак-шубҳасиз. Аммо бу бепарволик ва беғамликка берилишимизга асос бўлолмайди. Аксинча, Ватанимиз эришган муваффақиятлар билан фахрланар эканмиз, биз доимо давлатимиз раҳбарининг ҳозирги замон шароитларида фақат яхши тайёргарликка эга бўлган, кучли, ҳар томонлама бутланган ва ижтимоий ҳимоя қилинган Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, кишилар тинчлиги ва осойишталигининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўлиши мумкинлиги ҳақидаги кўрсатмаларини ёдда тутмоғимиз зарур.

Учинчи хулоса. – Янада ҳушёр ва огоҳ бўлиш. Огоҳлик замонавий шароитларда кенг маъноли тушунча. У ҳарбий хизматчилар, қисм ва бўлинмалар, Қуролли Кучлар бошқарув органларининг эҳтимол тутилган душманга, унинг хатти-ҳаракатлари, қуроллари, руҳий ва ахборот кураши усулларига доимий эътибор қаратишни кўзда тутади. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳушёр ва огоҳ бўлиши лозим. Демак, у ҳарбий-сиёсий вазият характери ва хусусиятларини чуқур тушуниши, ўз ишининг моҳир устаси бўлиши керак. Чунки огоҳлик ва жанговар шайлик бир-биридан ажралмас тушунчалардир.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи доимо шуни ёдда тутмоғи лозимки, танлаган йўлимизни кўролмайдиганлар ҳеч нарсадан тап тортмайди, ўзининг қабиҳ нияти ва ғаразли мақсадлари йўлида ёлғон, уйдирма, туҳмат, фактларни қалбакилаштириш, воқеаларни бузиб кўрсатишдан кенг фойдаланади.

Ҳушёр ва огоҳ бўлиш учун аввало профессионал, пухта билимли ва масъулиятли киши бўлиш, юқори ижтимоий-сиёсий тайёргарликка, мустаҳкам ғоявий тобланиш, сайқалланган маънавий-жанговар ва руҳий сифатларга эга бўлиш лозим.

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиси учун **жанговар сергаклик** улкан амалий аҳамиятга эга. Жанговар сергаклик – бу душман ҳаракатларини диққат-эътибор билан кузатиш ва ўз вақтида унга жавоб қайтариш. Жанговар сергаклик жанг шароитларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Дунё ва минтақадаги ҳозирги мураккаб ҳарбий-сиёсий вазиятда унинг роли чексиз. Шу сабабли ҳушёрлик ва жанговар сергакликни мунтазам ошириб бориш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг кундалик энг муҳим вазифаси.

Яқиндагина биз давлатимиз мустақиллигининг 18 йиллигини тарих зарварақларига битдик. Эришган муваффақиятларимиз улкан, биз юз йилликлар давомида қўлга киритиш мумкин бўлган ютуқларга эришдик. Ва бугунги кунда бизда мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳарбий қурилишнинг асосий йўналишлари, ҳарбий ислоҳотнинг устуворликлари ва тамойиллари Қуролли Кучларнинг тобора ошиб бораётган қудрати, уларнинг юқори жанговар шайлиги ва тажовузкор, босқинчи кучларнинг мустақиллигимиз, суверенитетимиз, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигига нисбатан ҳар қандай таҳдидларига муносиб жавоб қайтаришга қодирлигини таъминлаётганини таъкидлашга барча асослар бор. Дунё ва минтақадаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазият, қуролли кураш характери, эҳтимол тутилган ёвуз кучларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи ҳар қандай жиддий синовларга ўзини тайёрлаш – бизнинг муқаддас бурчимиз, ҳар бир офицер, сержант ва аскарнинг бурчи. «Янада сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлиш ва ўз вақтида тегишли хулосаларни чиқариш» борасидаги даъват аскар – профессионалга, мустақил Ватанимизнинг ишончли ҳимоячисига қарата айтилганини доимо ёдда тутиш зарур. Демак, доимо тайёр, доимо жанговар шай ҳолатда бўлиш керак!

А. ХЛИЗОВ.

СИНОВ



ИЛҒОР ВА ШИЖОАТКОР

Қуролли Кучларимизда назорат синов машғулотлари қизғин тарзда давом этмоқда.

Посбонларнинг назарий ва амалий тўплаган билим-кўникмалари синовдан ўтказиладиган бундай машғулотлар уларнинг ҳар томонлама шаклланишлари, касб сирларини чуқур ўзлаштиришлари ҳамда мустаҳкамлашлари, бир сўз билан айтганда, профессионал маҳорат эгаси бўлишларида ўзига хос аҳамият касб этади.

Мана, дала-ўқув машғулотлари майдонидамиз. Шахсий таркиб турли тайёргарликлар бўйича назорат синов машғулотларини адо этишаяпти. Навбат зирҳли жанговар техникалар билан бажариладиган машқларга етиб келди. Офицер Аъзам Шарипов бошчилик қилаётган взвод шахсий таркиби техник тайёргарлик бўйича амалий машқларни адо этишга киришдилар. Бунга қадар бўлиб ўтган назарий машғулотда сабоқларни такрорлаб, мустаҳкамлаб олган посбонларга синовлар сира машаққат туғдирмади. Бироқ посбонлар учун тобланиш мактаби саналган полигон майдон мардларини кашф этади. Бу ерда илғорлар ичра илғорлар етилади, назарий билимларини амалиётга мукаммал тадбиқ эта олган, маҳоратли ва шижоатли ўғлонлар илғорликка эришадилар. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Азиз Режабаев ана шундай марду майдонлардан.

– Режабаев механик ҳайдовчи вазифасида хизмат қилади, – дейди у ҳақда командири офицер Аъзам Шарипов. – У бугунги синовларда нафақат взвод, балки ҳарбий қисм бўйича энг яхши натижа кўрсатди. Жамоамиз илғорлигини таъминлашга ҳисса қўшди. Ўз техникасини яхши бошқарадиган ва уни ҳар доим авайлаб-асрайдиган посбонда ибрат олса арзигулик жиҳатлар кўп. Айниқса, унинг жанговар техникани бутлаш ва созлаш борасида катта тажрибага эгалиги, соҳа сирларини ёш посбонларга мудом ўргатиб келиши таҳсинга лойиқ. Аслида жанговар техника ҳам қаровга, парваришга муҳтож. Чунки посбонга мисоли қўш қанот бўлган жанговар техника ва қурол-яроғ ҳамиша яхши қаралса ва ўз вақтида таъмирлаб, кўз қорачиғидай асраб-авайланса, нуқсонсиз ишлайди, ҳеч қачон панд бермайди.

– Ҳарбий хизматчи қурол-аслаҳа ва жанговар техникани ҳар томонлама яхши билиши мақсадга мувофиқ, – дейди оддий аскар Азиз Режабаев биз билан суҳбатда. – Посбон булардан моҳирона фойдаланиш билан бир қаторда техника ва қурол-аслаҳани сақлаш ва таъмирлашни ҳам уддалай олиши туфайли мамлакатимизнинг тинчлигини сақлашга, жанговар шайликни оширишга ҳамда ҳарбий мулкдан тежамкорона фойдаланишга ўз ҳиссасини қўшган бўлади. Ҳеч қандай нуқсони бўлмаган, барча мурватлари мукаммал ишлаётган техника билан муваффақиятга эришишга шубҳа йўқ. Шу боис жанговар техникамни сифатли бутлашга ва таъмирлашга алоҳида аҳамият қаратаман. Сафдошларим билан эса барча тайёргарлик машғулотлари каби бу борада ҳам мусобақадошмиз.

Ҳа, жанговар техника ва қуролни мукаммал билиш, уларни асраб-авайлаш экипаж, расчёт, бўлинма мусобақасининг асосий қисми бўлиши керак. Ҳарбий хизматчи учун жанговар техника ва қурол-аслаҳани маҳорат билан қўллаш бўйича мусобақалар орқали фаол иштирок этиш жуда муҳимдир. Чунки айнан шундай мусобақалар орқали маҳоратли, илғор ва шижоаткор посбонлар шаклланади. Синов машғулотларида ана шундай зарур сифатлар – ўзаро мусобақадошлик ҳисси яққол кўзга ташланади.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ГАРАНТ УСПЕХА – ЛИЧНЫЙ ПРИМЕР

Жизнью проверено, что испытанный командирский принцип личного примера и в ходе сдачи проверки действует на все сто. Вот и в подразделении офицера Алишера Кулиева эта истина в очередной раз нашла свое подтверждение.

Стрельба из вооружения бронетранспортера на этот раз велась по несколько облегченному варианту. Боевая машина в ходе выполнения упражнения выдвигалась на огневой рубеж и вела огонь из статичного положения. Так гораздо проще находить цели и поражать их.

Однако не стоит забывать того, что первая из трех появлявшихся мишеней, «бронетранспортер», движущаяся. Да и времени на огонь из крупнокалиберного пулемета отводится немного. И только «ростовая фигура» с «амбразурой», уничтожаемые из пулемета, не движутся.

Одним словом, тандему в составе офицеров Алишера Кулиева и Дильшода Эргашева пришлось нелегко. Сказывалось также и влияние груза ответственности за результат, ведь от успешного задела во многом зависит и результат стрельбы в целом всего управления подразделения.

В такой непростой обстановке слаженный дуэт офицеров продемонстрировал высокое мастерство и психологическую устойчивость. Положительная оценка командира вдохновила, и все управление подразделения успешно сдало проверку по данному предмету боевой учебы

Впоследствии, в ходе проверочных испытаний, офицеры и сержанты проявили высокий уровень выучки и при сдаче нормативов по защите от оружия массового поражения, вождению боевых машин, тактической, технической и специальной подготовке.

– Личная примерность командиров всегда является одним из решающих факторов, обеспечивающих победу в ходе современного боя, – подчеркивает в беседе с нами офицер Ибрагим Турсунов. – Отрадно, что в данном подразделении его командиры увлекли подчиненный личный состав добрым примером, создав прочный задел для успешной сдачи проверки.

В праздничном Обращении к защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова подчеркивается: **«Дальнейшего совершенствования требует морально-психологическая, политическая подготовка военнослужащих. Деятельность командиров всех уровней должна быть направлена на формирование у офицеров, сержантов и солдат высоких духовных, морально-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма, чувства ответственности за судьбу Родины, укрепление ее независимости и безопасности».** В подразделении офицера А. Кулиева, где личная примерность командиров находится на высоте, за качество морально-психологической подготовки личного состава можно не волноваться. Гарантом ее здесь служит личный пример командиров и начальников.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.

СТАНОВЛЕНИЕ

В мобилизационном призывном резерве

ДОБРОТНО ОСВАИВАЮТ ВОИНСКИЕ НАВЫКИ

В батальоне мобилизационного призывного резерва под командованием офицера Солижона Худайназарова процесс обучения и воспитания личного состава в ходе месячных сборов поставлен на добротную основу.

Побывав в расположениях, побеседовав с юношами, проходящими здесь сборы, пришел к выводу: здесь созданы оптимальные условия для качественного освоения воинских навыков.

Начнем с того, что в состязании среди сержантского состава за последние месяцы первенство стабильно держит помощник командира взвода по МТО младший сержант Аминжон Аноров. И это не просто оценка его личных успехов в боевой учебе. В победе учтены его организаторские способности, умение создать уют и поддерживать образцовый порядок в расположении. В день нашего приезда здесь как раз получали новые кровати. А еще воины его взвода обзавелись новенькими, пушистыми одеялами.

В классе огневой подготовки занятие с резервистами по изучению ТТХ автомата и ручного пулемета Калашникова вел командир группы сержант Асрор Ахмедов. Опытный профессионал прошел не только оба курса обучения в Школе подготовки сержантов, но и отслужил в войсковых частях. Ребята внимают ему с большим энтузиазмом, ведь никому не хочется оплошать на стрельбах.

Для получения твердых навыков действий при оружии с нами занимаются и на компьютерных тренажерах, установленных в окружной Школе подготовки сержантов, – говорит Хуршид Мирзаев, прибывший на сборы из Ургутского района. – Работая на них, мы еще раз лично убедились в эффективности проводимой в нашей стране военной реформы.

В этом наборе оказался высоким процент молодых людей с высшим образованием. Например, Хуршид Мирзаев окончил Ташкентский государственный экономический университет. Акмаль Васиев тоже успешно окончил этот вуз, работает в столице на совместном предприятии «УзБАТ». Уроженец Булунгурского района Ильхом Исаев окончил Узбекскую государственную консерваторию. А теперь дипломированный звукорежиссер решил освоить профессию защитника Родины.

– Наблюдая за тем, как мои сверстники стремятся за короткий месячный срок добротно освоить воинские навыки, я и сам решил не отставать от них, – говорит Ильхом. – А еще мне понравились современные тренажеры в нашем спортивном комплексе, и теперь я с помощью опытных тренеров из сержантов накачиваю свою мускулатуру.

В библиотеке созданы условия и для духовного развития личности. Вот так, всесторонне формируя молодых людей, буквально за месяц офицеры и сержанты преображают их, воспитывая из них защитников суверенного Узбекистана, готовых по первому зову Отчизны встать в воинский строй.

Майор Шопулат ТУРДИЕВ.
Фото **автора.**

Вести из подразделений

В ЕДИНОМ РИТМЕ

Армейские будни не знают покоя. Занятия в классах, парках и в поле способствуют формированию у воинов профессионализма, важных навыков и качеств, необходимых для успешного выполнения служебных обязанностей. Традиционно в процессе обучения успех зависит и от организующей роли командира. Например, в подразделении старшего лейтенанта Нодира Акбарова практически каждый военнослужащий по ежемесячным личным итогам добивается только положительных результатов.

Здесь с началом периода обучения одно за другим качественно проводятся занятия. Теория и практика дополняют друг друга. Все элементы отрабатываются до автоматизма. Занятия идут по принципу: от простого к сложному. Конечно, в любом планировании и методике немалую роль играет и человеческий фактор. В данном случае благодаря кропотливой предварительной работе, проделанной офицером Н. Акбаровым, все подопечные не только тщательно изучают преподаваемый материал, но и вооружены конкретными примерами. Во время проведения занятий по изучению тактико-технических характеристик техники и вооружения или выполнению нормативов в парке царит атмосфера всеобщей заинтересованности. Воины с неподдельным интересом слушают объяснение очередных тем, следят за действиями командиров.

А если возникают вопросы, то за ними следует детальный разбор, пока всем, находящимся на занятии, не становится предельно ясно о сути предмета. Подобная скрупулезность – не самоцель. Важно, чтобы знания и навыки, полученные воинами, были прочными. Только тогда любой военнослужащий будет полностью уверен в себе и находящемся рядом товарище. Это, в свою очередь, позволит качественно и в срок выполнять учебно-боевые задачи.

Об этом постоянно говорит офицер Н. Акбаров своим подчиненным. Такой же вдумчивый, взвешенный подход к доверенному участку службы прослеживается и у многих других молодых офицеров подразделения.

Так, старший лейтенант Бахром Саиджанов, недавний слушатель Факультета повышения квалификации, постоянно повышающий уровень своей офицерской подготовки, использует каждую минуту для укрепления воинской дисциплины среди подчиненных. В его подразделении с начала учебного периода не имеется ни единого правонарушения. Согласитесь, весомый результат. Заслуженным авторитетом среди личного состава пользуется и лейтенант Одилжон Сариев, который также ответственно подходит к решению стоящих перед ним задач.

Пример образцового выполнения служебных обязанностей демонстрируют сослуживцам и выпускники школ подготовки сержантов младшие сержанты Дамир Касымов и Закир Абдуллажонов. Немало сделано в данных подразделениях и для качественного выполнения нормативов, упражнений учебных стрельб на предстоящем полевом выходе. Отличные результаты в боевой учебе, опираясь на командиров, демонстрируют рядовые Жахонгир Таджибаев, Сафар Насыров, Улугбек Назаров, Шахобиддин Лутфуллаев и другие.

Отрадно, что соревновательный дух, тесное взаимодействие, личный пример молодых офицеров, стремление их к высокой личной подготовленности положительно сказываются и на результативности вверенных коллективов, зажигая подчиненных вдохновляющей силой. По итогам минувшего месяца боевой учебы данные подразделения уверенно держат лидирующие позиции.

В разгар боевой учебы армейские будни не знают покоя: военнослужащие не теряют ни единой штатной минуты учебного времени. Ведь в деле боевой готовности все действия подвержены единому ритму – достойно оберегать созидательную жизнь народа.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

УПОРСТВО – ОСНОВА УСПЕХА

Контролерская служба – особый вид боевой службы воинов Караульных войск МВД, требующая от них постоянной бдительности, высокой боевой готовности, находчивости и решительности действий. Конечно, она не так романтична, как, скажем, воинская служба десантника, танкиста или моряка. Но она очень ответственна и нужна обществу.

Именно на этой службе человек проверяется ежедневно на честность, преданность избранному делу и своему народу, способность в любых условиях, даже рискуя жизнью, поступать так, как надо, как этого требуют военная присяга и долг гражданина.

Для младшего сержанта Музаффара Азимова она стала профессиональным делом, смыслом жизни. Он отслужил срочную солдатскую службу вдали от родных мест и несколько лет работал на земле в своем родном Чиракчинском районе Кашкадарьи, где и сегодня трудятся все его родные и близкие (семья его большая, и Музаффар – старший среди девяти братьев и сестер). И хотя в его роду военных не было, он принимает решение поступить на военную контрактную службу контролером по надзору в одно из подразделений Караульных войск.

Большое старание, трудолюбие и упорство, присущие ему с малых лет, помогли в короткие сроки овладеть служебными обязанностями и успешно их выполнять. Он учился у старших товарищей, перенимал их опыт работы, с благодарностью вспоминает своих учителей и наставников военнослужащих по контракту С. Уралова и Ф. Шаимова, которые многому его научили, привили любовь к военному делу, помогли выработать необходимые качества и навыки. Его настойчивость и ответственность за порученное дело, знания и опыт службы не остались незамеченными, и вот уже семь лет младший сержант Азимов – старший контролер, один из лучших в подразделении начальник войскового наряда.

Сегодня он сам наставник для молодых контролеров. Его ученики рядовые по контракту С. Кучимов, М. Алимурадов и другие успешно выполняют возложенные обязанности и являются передовиками боевой службы и учебы.

– Младший сержант Азимов, – говорит командир взвода офицер К. Миссиров, – умелый организатор боевой службы войсковых нарядов. Он не пройдет мимо любого нарушения или отступления от установленного порядка и примет необходимые меры. А потому, когда он на службе, можно быть уверенным, что порядок будет обеспечен.

Дома у Музаффара любимая жена Гульзода и растут два сына – Турдымурод и Умиджон. И пусть они еще маленькие, но они гордятся своим отцом, стараются ему подражать, и кто знает – может быть, пройдут годы и сыновья встанут в единый с отцом воинский строй и продолжат службу, которой он ныне отдает все свои силы, знания и опыт.

Н. НИКОЛАЕВ.

КОНКУРС

ВЫСОКИЙ УРОВЕНЬ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА

Настоящим смотром мастерства и профессионализма стал завершающий этап конкурса среди военнослужащих ремонтных подразделений Министерства обороны. В нем приняли участие победители окружных состязаний в номинациях «Лучший командир ремонтной группы», «Лучший специалист ремонтного подразделения» и «Лучшая ремонтная группа», которые боролись за право стать лучшими в этом учебном году. Боевой дух и настрой всех участников были велики, ведь каждый специалист видел свое подразделение, а значит, и свой военный округ только победителем.

– Главной целью данного мероприятия является проверка уровня теоретической подготовки и практических навыков специалистов ремонтных подразделений при выполнении нормативов, – сказал на открытии состязания представитель Министерства обороны офицер Эркин Юсупов.

И действительно, сразу после сдачи тестовых испытаний по соответствующим специальностям на учебных местах разгорелась бескомпромиссная борьба в ходе практического выполнения нормативов по ремонту автомобильной техники, ракетно-артиллерийского вооружения и бронетанковой техники. В числе тех, кто стремился образцово выполнить нормативы – лейтенанты Равшан Хакимов, Одилжон Ташматов, Мухаммадали Касымов, сержант Жасур Умаров, младшие сержанты Шавкат Шарипов, Хасан Ахроров, Чорижон Шаимов...

Секундомеры в руках членов жюри стали дополнительным стимулом для показа наивысшего уровня профессионализма соревнующихся. Вторым важным фактором, влияющим на конечный результат, стало точное и грамотное следование технологическому процессу. Третьим – качество выполняемой работы и строгое соблюдению мер безопасности.

В ходе выполнения нормативов по замене колеса, установке и снятию кран-стрелы, развертыванию ремонтной мастерской, замене масляного центробежного фильтра, эвакуации автомобиля с помощью эвакуационных средств, замене ремней привода генератора, компрессора и водяного насоса двигателя важную роль играла как личная подготовка соревнующихся, так и согласованность их действий. Члены жюри не раз отмечали в лучшую сторону как грамотные, доведенные до автоматизма действия отдельных участников, так и их высокий уровень слаженности работы в составе расчета.

При полном развертывании и свертывании машины технического обслуживания, выполнении нормативов по ремонту различных образцов вооружения, устранению неисправностей электрооборудования младшими сержантами Азаматом Асаматдиновым, Хасаном Ахмедовым, Аслиддином Мирзакуловым и многими другими были проявлены находчивость и смекалка. Творческий подход к делу понравился членам жюри, и они были поощрены дополнительными баллами при подведении итогов выполнения нормативов.

– Данный конкурс, – поделился своими впечатлениями командир ремонтной секции младший сержант Чорижон Шаимов, – дал нам отличную возможность значительно повысить свой профессиональный уровень, обменяться опытом, обогатить свои умения и навыки новыми приемами. В ходе состязаний у каждого из нас выявлялись и моменты, над которыми еще надо будет поработать в подразделениях. Обстановка среди конкурсантов была самая доброжелательная, в ходе состязаний каждый узнал от друзей-соперников из других подразделений много нового и полезного.

Конкурсное выполнение нормативов продемонстрировало хороший уровень практической подготовки всех участников. Строгому жюри, даже приняв во внимание все факторы и проявив максимум объективности, было нелегко назвать победителей.

На завершающем этапе конкурса по сумме набранных баллов в лидерах оказалась команда Северо-Западного военного округа. Лучшей ремонтной группой была признана ремонтная группа под командованием лейтенанта Одилжона Ташматова. Сам командир группы был удостоен звания «Лучший командир ремонтной группы», а его подразделение награждено переходящим Кубком. По итогам индивидуального первенства лучшим специалистом ремонтной группы стал младший сержант Азамат Асаматдинов. Второе и третье места в конкурсе завоевали подразделения лейтенантов Равшана Хакимова и Мухаммадали Касымова.

Победителям конкурса в торжественной обстановке были вручены призы и дипломы.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **автора.**

Лучший командир ремонтной группы лейтенант Одилжон ТАШМАТОВ:

– В ходе выполнения нормативов личный состав нашего ремонтного подразделения получил отличную возможность приумножить навыки и мастерство. Безусловно, каждый военнослужащий вооружился новыми знаниями и опытом, и намерен все новое и передовое увиденное у соперников внедрить в своих ремонтных подразделениях.

Лучший специалист ремонтного подразделения младший сержант Азамат АСАМАТДИНОВ:

– В данном конкурсе я участвую второй раз. Прошлогоднее участие мне очень помогло в профессиональном становлении. Учитывая прошлогодние недостатки и оплошности при выполнении нормативов, пришлось много работать над их устранением.

Свой личный успех считаю заслугой моих наставников и сослуживцев.



АНЪАНА

«Энг илғор мутахассис»

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ УЙҒОНГАНДА

Глобаллашув даври олдимизга улкан муаммоларни қўймоқда. Тўғри, бугун ҳар бир давлатнинг тараққиёти, фаровонлиги жаҳон, минтақа, ҳудудлар билан чамбарчас боғлиқлигини яхши биламиз. Давлатлар ва халқлар ўртасида интеграция, ҳамкорлик алоқалари кучаймоқда, хорижий сармоялар кириб келмоқда. Замонавий технологиялар, илм-фаннинг сўнгги ютуқлари негизида давлатлар тараққий топмоқда. Улкан муаммолар ечимига ҳамжиҳатликда киришилмоқда. Хуллас, тараққий этишни истаган мамлакат мазкур жараёндан – глобаллашувдан четда туролмайди. Таъбир жоиз бўлса, бу глобаллашувнинг фойдали томони. Танганинг орқа томонида эса…

Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Глобаллашув жараёни воситасида турли мафкуравий таъсирлар, оқимлар ҳам ҳаётимизга кириб келяпти. Хўш, бундайин таъсирларга қарши кучимиз, имкониятимиз етадими? Албатта, мустақил фикр, бой қадриятларга асосланган соғлом дунёқараш, мустаҳкам ирода турли таъсирлар ва ҳаттоки таҳдидлардан ҳимоя қилиши мумкин. Демак, жамият иммунитетини мустаҳкамлаш учун маънавиятли инсонни тарбиялаш, камол топтириш лозим. Шу хусусда гап кетар экан, мустақил тараққиётимизнинг бошиданоқ тўғри йўлдан одимлаганимизни ҳис қиламиз. Таълим-тарбияга, миллий қадриятларга, аждодлар бой маънавий меросига эътибор қаратдик. Энг муҳими эски қолипдаги ёндашувлардан, уларнинг асоратларидан қутулдик. Юрт ҳимоясини касб деб билган ҳарбийларимизни ҳам юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш, улар қалбида Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини шакллантириш, иродасини мустаҳкамлаш йўлида кўплаб эзгу ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ахир, энг масъулиятли, шарафли иш топширилган инсон аввало кимга, нимага хизмат қилаётганини, мавжуд ёки эҳтимол тутилган таҳдидларга қандай қарши туришни билиши лозим-да. Қўлидаги қуроли мафкура қуроли олдида ҳеч гапмас. Негаки уруш ядро полигонларидан мафкура полигонларига ўтганини кўриб, билиб турибмиз. Шу сабабли ҳам миллий армиямиз сафларидаги ўғлонларимизнинг нафақат жисмонан бақувват ёки замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни пухта эгаллашларига, балки юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, халқимизга садоқати каби муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди. Бу ўз-ўзидан маънавият билан боғлиқ масала. Ҳа, юксак салоҳиятли, заковатли, мустаҳкам иродали посбоннинг маънавияти-да юксакдир. Уни ҳеч ким, ҳеч қандай куч енга олмайди.

Тўғри, маънавий тарбия масаласида усул, услублар кўп. Лекин гап уларнинг ичидан энг таъсирчани, энг самаралисини танлай билишимиз, амалиётга татбиқ эта олишимизда.

Президентимизнинг ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда ўтказиб келинаётган анъанавий «Энг илғор мутахассис» танловини бу борада энг самарали воситаларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Бугун баралла танловнинг ижобий натижалари, берган имкониятлари хусусида фахр билан гапириш мумкин. Аввало ҳарбийларимиз орасидан касбига, бурчига садоқатли, юксак ақл-заковатга, касбий маҳоратга эгаларини танлаш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, Ватанга, танланган мардлар касбига муҳаббатга йўғрилган анъаналарни шакллантириш, кичик ва ўрта командирлик бўғинлари лавозимидаги ҳарбийларимизнинг хизмат поғоналаридан ўсишини рағбатлантириш, уларнинг етакчилик сифатларини шакллантириш, қўшинларда юксак маънавий-жанговар руҳ, соғлом рақобат муҳитини яратиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришдек устувор мақсадларимизга эришдик. Бу танлов берган улкан самара эмасми?!

Кичик сержант Шавкат Чориев ортда қолган ўқув йили якуни бўйича «Энг илғор сержант» номинацияси ғолиби, деб топилди. Ватан ҳимоячилари куни, Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллик байрами муносабати билан Туркистон саройида ўтказилган тантанада учрашдик. Суҳбатлашиб туриб, аввало унда фаол ҳаётий позицияни ҳис қилдим. Бу ундаги масъулият, мустақиллик ва хавфсизлигимизни мустаҳкамлашга бўлган интилиш ҳисси юксаклигида, мақсад сари дадил одимлашида намоён бўлади. Масалан, олдинги ўқув йили якунида посбон мазкур номинацияда 2-ўринни эгаллаганди. Мана, фаол ҳаётий позиция улкан довонни забт этишига руҳлантирди, куч бағишлади.

Лейтенант Авазбек Рисбеков «Энг илғор гуруҳ командири», деб топилди. У «Энг илғор мутахассис» танловига ҳарбий хизматчининг касбий малакаси, маҳоратини янада оширадиган, хизмат поғоналаридан ўсишига ёрдам берадиган, шахсий таркибни ҳар томонлама юксак даражада тарбиялашда командирда етакчилик сифатларини такомиллаштирадиган мезон сифатида қаради. Шу сабабли етакчилик қобилияти шаклланди, интеллектуал салоҳияти ортди.

Майор Акмал Ортиқов «Энг илғор батальон командири» номинацияси ғолиби. Бунгача «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири» номинацияларида ҳам ғолиб чиққан. Танлов сабаб жанговар қобилиятининг янги-янги қирралари очилди. Изланиш, маҳоратни ошириш йўлидаги интилиш уни тобладди. «Жасорат» медали соҳибига айланди.

Ҳа, ташқи томондан олиб қараганда, танлов самараси, имкониятлари ана шундай бўй кўрсатади. Бу янгича анъананинг ҳарбийларимизга бераётган маънавий кучини оддийгина қилиб ифодалаб бўлмайди. Танлов шартларини бажарар экан, аввало ҳарбий хизматчи дунёда ягона бўлмиш Ўзбекистонини, халқимизни ишончли ҳимоя қилиш муқаддас ва масъулиятли вазифаси эканлигини янада теранроқ англайди. Яъни ҳарбий хизматни Ватан ва халқ олдидаги юксак бурчи деб билади. Мамлакат, миллат тақдири учун масъул эканини англаш орқали унда қудратда, маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмасликка интилиш ҳисси кучаяди. Бу танловнинг посбонлар қалбига йўл топиб, енгилмас куч – маънавиятининг шаклланишига хизмат қилаётгани, таъбир жоиз бўлса, уларда маънавий жасорат ҳосил қилаётгани. Қалбида мардлик ва қаҳрамонлик, садоқат ва матонат, салоҳият ва тафаккур маҳсули бўлган маънавий жасорат уйғонган аскарни эса ҳеч ким енга олмайди.

Подполковник А. САФАРОВ.
Суратлар таҳририят архивидан олинди.



Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

МАРДЛИК МАКТАБИДА ТОБЛАНГАН ЎҒЛОН

Юртимиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан юрт ҳимоячиларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Шулар қаторида профессионал посбон – сержант Йўлдошбек Абдуллаев ҳам «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган эди.

Ислоҳотлар сабаб, бугун ҳарбийлик касбини эгаллаётган ёшлар сафи кенгаймоқда. Ҳарбийликни шараф, деб билган юртнинг асл ўғлонлари ўз келажагини шу касб билан боғлашмоқда. Ватан меҳри, Ватан ишончи, буни биргина сўз билан таърифлаб бўлмайди. Ватан ҳимояси йўлида жавлон уриб, эл-юрт корига камарбаста бўлиб келаётган лавҳамиз қаҳрамони сержант Абдуллаев қалбида бу туйғулар доимо жўш уриб туради.

Йўлдошбек ёшлигидан тенгдошлари орасида билими, дунёқараши билан ажралиб турарди. Мактабни аъло баҳоларга тугатган ўғлон биринчилардан бўлиб йигитлик бурчини ўташга отланди. Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, командирлари эътиборига тушган йигит, ҳеч иккиланмасдан ўзи орзу қилган касбни, яъни ҳарбийликни танлади. Мана бир неча йиллардан буён Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилиб келаётган кичик командир бугун асл профессионал бўлиб камол топмоқда. У Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг ўқув жараёнини таъминлаш батальонида гуруҳ командири вазифасида хизмат қилиб келаяпти. Интилиш, меҳнат, ўз устида ишлаш, устозлар ўгитига риоя қилиш ҳар қандай кишини, қайси касбда бўлишидан қатъи назар, комилликка, мувафаққиятга етаклайди. Қаҳрамонимиз ҳам билим ва маҳоратда ўз иқтидорини, салоҳиятини намоён қила олган ўғлонлардан.

– Ҳарбийликдек шарафли касбга бўлган ҳавасим аскарлик кезларимда пайдо бўлганди, – дейди у биз билан суҳбатда. – Армияда яратилган шарт-шароитлар, офицер ва сержантларнинг биз посбонларга бўлган муносабати бу касбни танлашимда асосий туртки бўлди. Шу вақт ичида соҳам бўйича жуда кўп билим ва кўникмаларни эгалладим.

Дарҳақиқат, хизмати мобайнида лавҳамиз қаҳрамони ўқув машғулотларида масъулиятлилиги, талабчанлиги ва билимдонлиги билан кўпгина ижобий натижаларни қўлга киритиб, сафдошларига ўрнак бўлиши орқали командирларнинг эътиборига тушди.

– Сержант Абдуллаев ўз вазифасини шараф билан уддалаб келаётган ҳарбийларимиздан бири ҳисобланади, – дейди офицер Икром Холбўтаев. – Унинг фикрлаш қобилияти, дунёқараши кенглиги машғулотларда фаол иштирок этиб, жанговар топшириқни виждонан бажаришга бўлган интилиши ва соҳасининг сир-асрорларини мукаммал билиши, бўлажак офицерларни етук кадрлар қилиб тарбиялашда катта ёрдам бермоқда. Шунингдек, у қўл остидаги посбонлар билан ҳам машғулотлар ўтказиб, жанговар шайликка муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Ўн олти йиллик тажриба ва маҳоратга эга кичик командир 11 йил давомида курсантларга зирҳли техникани бошқариш ва уни таъмирлаш бўйича амалий машғулотлар ўтказиб, уларнинг ўз соҳасининг ҳақиқий устаси бўлиб етишишларига муносиб ҳисса қўшган. Офицер Шуҳрат Абдуллаевнинг таъкидлашича, унинчи тоифага эга катта йўриқчи сержант Абдуллаевнинг машғулотларида иштирок этган кўплаб курсантлар синовларни аъло баҳога топширган. Бундан кўриниб турибдики, лавҳамиз қаҳрамони соҳасининг асл профессионали бўлиш билан бирга, педагогика бўйича ҳам етарли билимларга эга.

Унинг ёшлигидан спортга меҳр қўйгани ҳам хизмати давомида қўл келмоқда. У спортнинг енгил атлетика тури билан мунтазам шуғулланиб боради. Бу борада кўплаб яхши натижаларни қўлга киритишга ҳам улгурган. Янги ўқув йилида ўтказилган оммавий спорт кўригида илғорлар сафидан жой олишига ҳам енгил атлетика билан шуғулланиб бориши катта ёрдам берди. Шунингдек, у бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, кўпинча билим юрти кутубхонасидаги бадиий ва ҳарбий соҳага оид адабиётларни мутолаа қилиш орқали зеҳни ва дуёқарашини, маҳорат ва тажрибасини юксалтириб боради.

– Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан юксак ишонч билдиришиб, шундай нуфузли мукофотга лойиқ топишгани менга янада куч-ғайрат бағишлади, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Бу нафақат менинг, балки ҳарбий жамоанинг ютуғи деб биламан. Ҳарбий соҳада, мард ўғлонлар орасида фаолият юритаётганимдан фахрланаман. Ахир эр йигит учун Ватан тинчлиги, эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилишдан ортиқ шараф бўлмаса керак.

Ўйлаймизки, бундайин эътирофдан янада руҳланган сержант Йўлдошбек Абдуллаев келгусида ҳам юқори натижаларга эришиб, профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этиб боражак.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ОИЛА ГУЛШАНИ

БОЛАЛАРГА БАХШИДА УМР

Бугунги лавҳамиз қаҳрамонини таълим-тарбия соҳасида ўз ўрнига эга бўлган, жонкуяр ва заҳматкаш инсон дейишга ҳақлимиз. Чунки ёш авлодни тарбиялашдек машаққатли, шу билан бирга масъулиятли вазифани ўз бурчи деб билган бу аёл ҳақиқий касб фидойиси. Унинг ана шу фидойилиги 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида ўз эътирофини топди. Яъни у «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Муқаддас Аҳмедова Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги 12-сонли мактабгача таълим муассасасида кўп йиллардан бери мудиралик қилиб келади. Унинг касбий фаолиятига назар ташласангиз, бошқалар ўрнак олса арзигулик жиҳатлар кўзга ташланади. Илк фаолиятини боғчада тарбиячиликдан бошлаган Муқаддас опа, узоқ йиллар шу соҳада меҳнат қилди, тажриба ва малака орттирди. Иш давомида ҳар бир ўқув машғулотини куйинчаклик билан ўтишга, уларнинг болалар учун қизиқарли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилди. Натижада тез орада ўзи хоҳлаганидек машғулотлар самарадорлигига эришди. Ҳамкасблари тилига тушди. Шундан сўнг бир неча йиллар услубчи вазифасида сидқидилдан меҳнат қилди. Ўз устида ишлашни, изланишни бир зум канда қилмади.

Ташкилотчилик – инсондаги ички имкониятларни юзага чиқарувчи қобилият саналади. Касбий фаолияти давомида ўзидаги ана шу қобилиятдан оқилона фойдаланган Муқаддас опа ўтган давр мобайнида машғулотлар орқали болажонларнинг ақлий қобилиятини ошириш, сабоқларни янада мароқли ўтказиш мақсадида ўз билим ва тажрибасини аямади. Янги-янги ўйинлар ташкил қилиб, уларнинг эътиборини жалб қилишнинг уддасидан чиқди ҳам. Бу унинг соҳада эришган энг катта ютуғи бўлди, десак янглишмаймиз. Чунки ёш боланинг кўнглига йўл топиш, унинг қалбида ўз миллатига, Ватанига ҳурмат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш, уларни юртпарвар, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш – мураббий учун жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бу борада Муқаддас опага ҳавас қилса арзийди. Унинг ўз касбига бўлган кучли меҳри болалар ўртасида эъзоз топишига сабаб бўлди.

Ҳа, Муқаддас опа ўз касбини севади. Касбга бўлган муҳаббат уни мана шу маскан учун, унда тарбияланаётган болажонлар учун жон куйдиришга ундайди. Ана шу меҳр сабаб ҳар куни эрта тонгдан иш жойига, болажонлар бағрига шошиб, юраги талпиниб ошиқади. Бу ҳам фидойиликнинг ўзига хос кўриниши. Муқаддас Аҳмедова ана шундай фидойилиги самараси ўлароқ мана ўн бир йилки таълим муассасасига бош бўлиб келмоқда. Астойдил қилинган меҳнат бир кун келиб албатта ўз эътирофини топади, дейишади. Бу ҳақиқат бугун Муҳаддас опанинг ҳаётида ҳам ўз исботини топди.

– Фарзанд тарбияси энг аввало оиладан бошланиб, мактабгача таълим муассасаларида давом этади. Яъни оилада олинган тарбия бу таълим масканида янада такомиллашиб боради. Ушбу боғланишнинг ривож топиши комил инсон шахсининг шаклланишига замин яратади. Бу борада устоз-мураббийларнинг ҳиссалари беқиёс, – дейди Муқаддас опа биз билан суҳбатда. – Ёш авлодни буюк келажагимиз эгалари деймиз. Демак, буюк келажак ворисларининг соғлиғи ҳам, ақл-идроки ҳам юксак талаблар даражасида бўлиши керак. Бундан ҳулоса қилишимиз мумкинки, бугун биз, ота-оналарнинг, устоз-мураббийларнинг вазифамиз жуда масъулиятли. Ҳар доим фарзанд тарбиясига алоҳида масъулият билан ёндашиб, эътибор беришимиз зарур. Ана шунда эртанги кун олдида юзимиз ёруғ, қаддимиз тик бўлади.

Аслида ҳар бир касбнинг ўзига хос машаққатли томони, қийинчиликлари бўлади. Айниқса, ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг машаққати икки ҳисса ортиқ. Чунки ёш боланинг кўнгли гулдай нозик, унинг нозик кўнглига йўл топа билиш мураббийдан қанча меҳнат, машаққат талаб

қилади. Бунда эса энг асосийси ширинсўзлик, очиққўнгиллик яхши натижаларга эришишга ёрдам беради. Чунки ширин каломгина ўртада самимий муносабатни пайдо қилади. Яъни, бир оғиз ширин сўз, майин табассум боланинг кўнгил қулфига калит бўлади, унда тарбиячи-мураббийга нисбатан илиқлик пайдо қилади. Яна интерфаол ўйинлар, қизиқарли, шу билан бирга содда тилдаги савол-жавоблар орқали ўтилаётган мавзу мазмунини болаларга ўзига хос усулда, эсда қоларли тарзда тушунтириш, қувноқ мусобақалар ёрдамида уларни спортга жалб этиш ҳам энг самарали усуллардан биридир.

Мен болаларни жуда яхши кўраман. Шу боис уларни доим қувноқ ва соғлом кўрсам дейман. Болажонларимиз таълим маскани дарвозасидан талпиниб, қувонч билан кириб келса, шу бизнинг энг катта ютуғимиз.

Муқаддас Аҳмедова мана 25 йилдирки, таълим чироғини ёқиб, ёш авлод йўлини маърифат ва тарбия нури билан нурафшон этишдек эзгу ишга ўз ҳаётини бахшида этиб келмоқда. Муқаддас опада бир хусусият бор. У ҳам бўлса, самимийлик ва қатъиятлилик. Ўз олдига бир вазифа қўйдими, шуни охиригача етказмасдан қўймайди, болалар билан ҳар доим ширинсуханлик билан муомалада бўлади. Қўл остидагилардан ҳам шуни талаб қилади.

Муқаддас опа билан суҳбатлашиш асносида шу нарсага амин бўлдикки, улар ҳаётини болаларсиз тасаввур қила олмайди. Жамиятда ҳеч қандай касб соҳибига берилмаган бир юксак унвон бор. У ҳам бўлса, мурғак дилларга зиё олиб кирувчи фидойи инсонларга устоз-мураббийларга берилган. Тажрибали устоз, болажонларнинг севимли мураббийси Муқаддас Аҳмедова ҳам ана шундай эҳтиромга сазовор бўлганлардан. Биз Муқаддас опани юксак мукофот билан табриклаб, шундай деб қоламиз:

Устозим, умримни ёритган зиё,
Нурли чеҳрангиздан нур олар дунё.
Сиз замин қуёши ёғдулар аро,
Бу кун зиёларнинг таъзими сизга.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

Ташаккурнома

ЎҒИЛНИНГ КАМОЛИ – ОТА-ОНА ҚУВОНЧИ

Мустақиллик халқимизга жуда кўплаб имкониятлар эшигини очиб берди. Ҳар бир инсоннинг Ватан, эл-юрт олдидаги фидокорона хизматлари бугун ҳукуматимиз томонидан юксак эътироф этилмоқда. Албатта бундайин эътироф кишиларимизни яратувчанликка, янада юксакликка чорлаши шубҳасиз.

Маълумки, Мустақиллик ва Ватан ҳимоячилари кунлари арафасида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда эришган ютуқлари, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги улкан ҳиссаси, ҳарбий жамоа фаолиятидаги муваффақиятли иштироки учун бир қатор ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига Мудофаа вазири ҳамда Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи номидан ташаккурномалар йўллаш анъанага айланиб улгурган.

Фарғона гарнизонида хизмат сафарида бўлганимизда шаҳар мудофаа ишлари бўлими томонидан Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Улуғбек Мамаджоновнинг ота-онасига Мудофаа вазирининг ташаккурномасини топшириш тантанасида иштирок этдик. Шаҳардаги Ғафур Ғулом маҳалласига ташриф буюрар эканмиз, Улуғбекнинг ота-онаси, яқинлари, маҳалла фаоллари ва қўшнилари бизни илиқ кутиб олишди.

Шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг ўринбосари майор Акром Имомалиев ташаккурномани қаҳрамонимизнинг ота-онасига топширишдан олдин, бугунги кунда армиямизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самараси ҳақида тўхталиб ўтди. Бундайин юксак шарафга муяссар бўлаётган бахтли ота-онани табриклади. Шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Нодир Акбаров, ҳокимият вакили Нодир Сулаймонов, «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Инобат Маматхоновалар ҳам Улуғбекнинг ота-онасини самимий муборакбод этишди, уларнинг фарзанди маҳалланинг ифтихори эканини таъкидлашиб, эсдалик совғаларини топширишди.

Шу куни Улуғбекнинг онаси Муҳаббат опанинг қувончи ичига сиғмасди. Айниқса Улуғбекнинг укалари Ойбек ва Азизбекларнинг хурсандчилигининг чеки йўқ эди.

– Мен ҳам катта бўлсам акамга ўхшаб ҳарбий бўлмоқчиман, – дейди Азизбек. – Унингдек, юртимга муносиб посбон бўламан. Акам каби энг ботир, жасур ва мард ўғлон бўлишга интиламан.

– Улуғбекни болалигидан яхши билардим, – дейди қўшниси Ўктамой Аҳмедова. – Ўзига бўлган ишончи уни хизматда ҳам улкан ютуқларга етаклаганига шубҳам йўқ. Бу йигит бизнинг фахримиз десам, асло хато қилмайман.

Дарҳақиқат, Улуғбекнинг ота-онасини қутлашга келган барча меҳмонлар худди шундай фикрларни билдиришиб, у ҳақида тўлиб-тошиб гапиришди.

– Ўғлимнинг бундайин ютуқларга эришганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, – дейди посбон йигит отаси. – Унинг эр йигит бўлиб камол топганидан кўнглим хотиржам. Бугун ўғлимнинг менга ҳар томонлама суянч, таянч бўла олишига ишондим. Ўғлимнинг эл-юрт олдидаги йигитлик бурчини шараф билан ўтаётгани, Ватанимизга муносиб посбон бўлиб, халқимиз тинчлиги йўлида камарбаста бўлаётганидан қалбимда фахр, ғурур туйғусини ҳис қилаяпман.

– Мен шу онда бениҳоя хурсандман, шодман, – дейди унинг онаси. – Бу бизнинг оиламиз учун катта шараф. Мустақиллигимизнинг 18 йиллик айёми кунида Мудофаа вазири номидан ташаккурнома олишим, мени ғурурлантирди. Фарзандларимизга яратилган шарт-шароитлар, берилаётган имкониятлар, кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун миннатдорчилик билдираман.

Ҳа, мана шундай фарзанд билан ҳар бир ота-она ҳар қанча фахрланса арзийди. Ишончимиз комилки, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Улуғбек Мамаджонов келгуси хизматларида ҳам ҳамиша илғорлар сафида бўлиб, она Ватанимиз тинчлиги йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Кичик сержант Аҳрор НОЗИМОВ.
Муаллиф суратга олган.

МАСЛАҲАТ

Саломатлик сабоқлари

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Ўлкамиз шифобахш ўсимликлар маскани сифатида ҳам довруқ таратган. Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино айтганидек, она заминимизда ўсадиган мевалар, ўсимликларнинг аксарияти қайсидир касалликка даво бўлади.

Қуйида халқ табобати ва тиббиёт амалиётида қўлланиладиган айрим муолажалардан намуналар келтирамиз.

Кунгабоқар мойи ўт-сафро йўли касалликларида ижобий таъсир кўрсатади, чунки у ўт пуфагининг ҳаракатини яхшилайди. Агар кунгабоқар мойини илиқ ҳолида юзга суртиладиган бўлса, қуруқ, сўлинқираган терини тиниқлаштиради.

●

Помидор таркибидаги органик кислоталар ошқозон ширасининг ажралишини уйғунлаштиради, ичак ҳаракатини яхшилайди, шу боисдан у ошқозон шираси камлигида (гипацид) содир бўладиган гастритда ҳамда ичак қўзғалувчанлигининг йўқолишида (атония) ижобий таъсир кўрсатади. Сархил ёки тузланган помидорларнинг эзилмасидан ғовакли, бўшашган юз терисига ниқоб қилиб фойдаланилса, терини силлиқлаб, жозиба беради.

●

Турп шарбати билан тоза асалнинг омухта аралашмаси изтиробли йўталга даво ҳисобланади. Сархил турпнинг янги шарбати қобирғалараро хала хуруж қилганида, мушак оғриқларида, беланги таҳдидида мазкур жойларга илиқ ҳолида суртилса, дарддан фориғ бўлишга ёрдам беради.

●

Қорағат (смородина) меваларининг шарбати пешоб таркибида мавжуд бўладиган тошларни эритиб юбориш мақсадида тавсия этилади. Шунингдек, шамоллаш билан боғлиқ касалликларда терлатувчи ҳамда ҳароратни пасайтирувчи омил сифатида фойдаланилади.

●

Ловия дуккаклари асосида тайёрланадиган қайнатма диабет, буйрак ва қовуқ касалликларида, бод, асабларнинг шамоллаши, болаларда ич кетиши, қон босимининг ортишида тавсия этилади. Ловия уни жароҳат ва куйган жойларга сепилади.

●

Маккажўхори мойи атеросклероз касаллигига даволиги қайд этилади. Бунинг учун беморлар ундан кунига 20–25 грамм миқдорида бир неча ой мобайнида истеъмол этишлари тавсия қилинади.

●

Киши ҳар ойда бир марта бошини лимон шарбати билан артиб турса, бош терисидаги қон томирларининг фаолиятини яхшилайди, сочнинг илдизини мустаҳкамлаб, уни бемаврид тўкилишидан сақлайди.

ЯНГИ A(H1N1) ГРИППИ

Маълумотларга қараганда, дунёда янги A(H1N1) грипп пандемияси жадаллик билан тарқалиб, жаҳоннинг 200 га яқин давлатларида рўйхатга олинган ва миллионга яқин фуқароларда касаллик аломатлари аниқланган бўлиб, ўлим даражаси 1 фоизга етган.

Республикамизда ва биз билан чегарадош қўшни давлатларда A(H1N1) грипп касаллиги рўйхатга олинмаган ёки эпидемия шаклида тарқалмаган бўлса-да, дунёнинг қатор давлатлари билан маданий, иқтисодий ҳамкорлик, аҳоли миграцияси, техника тараққиёти натижасида чет элдан келаётган фуқароларимиз ёки чет эллик фуқаролар орқали республикамиз ҳудудига касалликнинг кириб келиши эҳтимоли бор. Шунинг учун ҳам аҳоли, шу жумладан, ҳарбийларни гриппнинг янги тури ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш, санитария тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, уларнинг бу борада етарли тушунчага эга бўлишини таъминлаш касалликнинг четдан кириб келиши ва эпидемия шаклида тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

2009 йилнинг апрель ойида биринчи марта рўйхатга олинган ва кўпчилик фуқароларнинг асосли хавотирига сабаб бўлган чўчқа гриппига Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан A(H1N1) Калифорния/04/2009, деган ном берилди.

У грипп вирусининг янги шакли чақирадиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, белгилари оддий мавсумий грипп касаллиги сингари намоён бўлса-да, нисбатан оғир ўтиши ва асоратлар (токсик зотилжам)нинг келтириб чиқариши ва ўлим билан тугаши эҳтимоли юқори.

Касалликнинг яширин даври (оддий гриппдагидек) бир неча соатдан 3–7 кунгача бўлган муддатни ташкил этади. Беморда тана ҳароратининг кўтарилиши, томоқ оғриғи, нафас олишнинг қийинлашиши, йўтал, айрим ҳолларда эса бўғимларда оғриқ, кўнгил айниши, қусиш ва ич кетиши аломатлари кузатилиши мумкин.

Беморнинг зудлик билан шифокорга мурожаат қилмаслиги, даволаш чора-тадбирларининг ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилмаслиги касалликнинг асорат беришига олиб келади.

Янги гриппга ташхис қўйиш Республика, вилоятлар давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари, Вирусология илмий-текшириш институти лабораторияларида яхши йўлга қўйилган.

Беморни даволашда вирусга қарши воситалар жуда яхши таъсир этади. Ҳозирги кунда республикамизда, шу жумладан, Мудофаа вазирлигига қарашли барча даволаш профилактика муассасаларида янги грипп касаллигига самарали таъсир этувчи Тамифлю дори воситасининг захираси яратилган.

Бугунги кунда АҚШ, Хитой, Россия олимлари томонидан янги гриппга қарши вакцина ишлаб чиқарилиб, кўнгиллилар ўртасида синовдан ўтказилган. Лекин оммавий тарзда ишлаб чиқариш ва бошқа давлатларни ҳам вакцина билан таъминлаш анча вақтни талаб этади. Шунинг учун мавсумий грипп касаллигига қарши эмлаш касалликнинг олдини олишда маълум даражада ижобий аҳамиятга эгалигини ҳисобга олган ҳолда касалликка мойил гуруҳлар (қариялар, болалар, катта жамоалар)ни эмлаш мақсадга мувофиқ.

Шуни таъкидлаш лозимки, нафақат гриппнинг янги тури, балки барча юқумли касалликларнинг олдини олишда шахсий ва жамоат гигиенаси қоидаларига қатъий амал қилиш жуда муҳимдир. Грипп касаллиги қайд қилинганда эса катта жамоаларда дока ниқоб тақиб юриш, хоналарни вақти-вақти билан шамоллатиш, тозалаш ишларини олиб бориш, шахсий ва жамоат гигиенасига риоя қилиш, тўғри ва сифатли овқатланиш, организмни чиниқтириш зарур.

Хўш, Мудофаа вазирлигида грипп пандемиясига тайёргарлик кўриш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Республикамизда грипп пандемиясига тайёргарлик кўриш чора-тадбирлар режасини Мудофаа вазирлиги тизимида бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли режа ишлаб чиқилган. Унга кўра, вазирликнинг фавқулодда эпидемияга қарши кураш ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда грипп пандемиясининг олдини олиш учун белгиланган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Тошкент гарнизонидаги ҳарбий қисмда «Парранда гриппи аниқланганда эпидемияга қарши чора-тадбирлар. Янги грипп пандемияси даврида ҳарбий қисм ва муассасаларда эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкиллаштириш» мавзусида кўргазмали ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Машғулотда ҳарбий округлар тиббиёт хизмати, санитария эпидемиология ва ветеринария бўлинмалари, ҳарбий қисм ва муассасалар тиббиёт хизмати бошлиқлари иштирок этишди. Машғулот давомида соҳа етакчи мутахассисларининг «A(H1N1) грипп касаллиги бўйича дунёдаги эпидемик вазият. Республикамизда ва Мудофаа вазирлигида грипп пандемиясининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар», «Парранда ёки янги грипп касаллиги аниқланганда, тиббиёт пункти томонидан ҳарбий қисмда эпидемияга қарши ўтказиладиган чора-тадбирлар», «Ҳарбий қисм назорат ўтиш жойида зарарсизлантирувчи тўсиқни ташкил этиш ва парранда гриппи аниқланганда, зарарсизлантириш ишларини олиб бориш» каби мавзуларда маърузалар тингланди ва олинган билимлар амалий машғулотлар ёрдамида мустаҳкамланди.

Бундай кўргазмали ўқув машғулотларининг барча ҳарбий округлар тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳам ўтказилиши A(H1N1) грипп касаллигининг олдини олишга, Ватан ҳимоячиларининг тиббий билимларини ва ҳушёрлигини оширишга хизмат қилади.

Тиббий хизмат майори Абдуғани ЮЛДАШЕВ,
Мудофаа вазирлиги бош вирусологи,
Санитария-эпидемиология назорат маркази
бўлинмаси бошлиғи.

Сўраган экансиз

ИСТЕЪМОЛ ТАРТИБИ БУЗИЛГАНДА

Электр таъминоти корхонаси вакили қандай ҳолатларда электр энергияси етказиб беришни тўхташи мумкин? Истеъмолчиларнинг бу борадаги ҳуқуқлари нимадан иборат?

Азамат ЭСОНОВ,тадбиркор.

Яқинда, аниқроғи 2009 йилнинг 24 июнида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, жорий йил 28 августида эса Сенат томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонунидан мазкур саволга жавоб топиш мумкин. Қонуннинг «Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиш» дея номланган 28-моддасида жумладан шундай ёзилган:

«Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти корхонаси қуйидаги ҳолларда:

электр таъминоти шартномаси шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режими бузилганда;

ҳудудий электр тармоқларига электр қурилмалари ўзбошимчалик билан уланганда;

электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказилганда ёки ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

фойдаланилган электр энергияси учун электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда истеъмолчига электр энергияси етказиб беришни белгиланган тартибда тўхтатиши мумкин».

Истеъмолчилар қонун бўйича шундай ҳуқуқларга эга:

ўз электр қурилмаларини ҳудудий электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказилиб беришнинг сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

ўзи истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларини ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган тартибда киритиш;

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси томонидан электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган электр энергияси етказиб берилганлиги сабабли етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланиши;

электр таъминоти шартномасини тузиш ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш учун судга ёки бўйсунувчи тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга мурожаат қилиш.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИДАН САБОҚ БЕРИШ

Мактабгача таълим муассасаларида, таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни мажбурий ўргатишнинг тартиби хусусида маълумот берсангиз?

Акбар ИНОЯТОВ.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни орқали мазкур саволга жавоб бериш мумкин. Хусусан, Қонуннинг 18-моддасида шундай ёзилган:

«Мактабгача таълим муассасаларида болаларга ва бошқа таълим муассасаларида таълим олаётган шахсларга ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни мажбурий тарзда ўргатиш мазкур муассасалар томонидан тегишли ваколатли органлар тасдиқлаган ва Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган махсус дастурлар бўйича амалга оширилади.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида болаларга ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш, уларни касбга йўналтириш, ёнғинга қарши тарғибот тизимини такомиллаштириш ҳамда ёнғинларнинг олдини олишга ва ёнғин чоғида тўғри ҳаракат қила билишга қаратилган бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари ташкил этилиши мумкин».

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ҚАЛТИС ХАТО

(Воқеий ҳикоя)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Минг бир заҳматда суяги қотган, иродали ҳар қандай инсонни ҳам карахт ҳолга келтириб, кўксини эзиб, осойишта ҳаётини издан чиқариб юборадиган бу аччиқ ҳақиқат қалби нозик ўсмир қизнинг қаддини эгдию тўшакка михлаб қўйди.

Уй, дала ишлари билан андармон бўлиб юрган Меҳри опа ранги оқариб, ҳолсиз ётган Садоқатга:

– Қаттиқ шамоллаган кўринасан, қизим. Баҳор келди деб, юпқа кийинишнинг оқибати бу. Бунинг устига вақтида овқатланмайсан ҳам. Мана, энди дори ичиб ётасан, – дея куйиниб дори-дармон қила бошлади.

Аммо Садоқат тузалай демасди. Шифокор муолажаси ҳам кор қилмаганидан сўнг, она бирдан ҳушёр тортди. «Наҳотки унга кимдир сирни ошкор қилган бўлса. У ҳали гўдак-ку, нозик юраги қандай дош берсин бунга». Шу тобда Меҳри опанинг «дод» солиб йиғлагиси келар, дардини кимга тўкиб солишни билмасди. Бунинг чорасини кўрмай вақтни ўтказиш эса бағри куюк она назарида қизининг умрига зомин бўлиш билан тенг эди, гўё.

У кўз ёшларини тийдию, ғамгин хаёллар оғушида қайнонаси Очахон энага яқинлашди.

– Она... – унинг лаблари қалтирарди, – Садоқатга...

– Тахминларинг тўғри, – деди кўпни кўрган момо келинининг ниманидир айтишга қийналаётганлигини кўриб. – Кимдир унга ҳақиқатни айтгани аниқ. Куюнма, буни менга қўйиб бер. Сен ҳеч нарса билмагандек тутгин ўзингни. Неварам билан ўзим гаплашиб оламан.

Бувисининг қўлини юзига босиб йиғлаётган Садоқат катталарнинг бу сирдан аллақачон хабардор бўлганлигини сезди. Унинг хаёлидан бундан неча йил аввал ўзини «тоғангман», дея таништирган «ғалати» амакию, универмагда меҳрибончилик кўрсатган эр-хотинлар нари кетмасди. Ва шу тобда бувисидан ўзи истаган жавобни кутарди. Буни ҳис қилиб турган момо набирасига бор ҳақиқатни – туғруқхона воқеасини гапириб берди.

– Агар билсанг, онанг сени бир умр кимдир тортиб олаётгандек ёт кўзлардан асраб яшади. Ҳатто ўз туққан боласига ҳам бу қадар меҳр қўйган аёл кам. Шунинг учун сенинг бу сирдан огоҳ бўлиб, шу ҳолга тушганингни билса у ўзини кечира олмайди, сиқилиб, адо бўлади. Сен ота-она, яқинлари меҳрига эришган, дунёдаги энг бахтли қизсан. Буни унутма, болам, – дея унинг майда ўрилган узун сочларини меҳр билан силади момо.

– Бувижон, – ёстиқдан бошини кўтариб Очахон энанинг тиззаларига қўйди Садоқат. – Бу сирдан огоҳ бўлганим иккимизнинг ўртамизда қолсин. Буни ойим, дадам, ҳеч ким билишини истамайман. Агар хабардор бўлишса уларнинг дилларига ҳам озор етади, мен каби сиқилишади.

– Ўзимнинг доно неварамдан ўргилай. Шундай дейишингни билардим, – набирасининг юзларидан ўпди момо. – Фақат ҳозироқ юз-қўлингни ювиб, овқат еб оласан. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, она қизим.

Набира ва бувининг ўзаро суҳбатига ҳовлидаги юмушлар билан банд кўринган бўлиб, эътибор қилиб турган Меҳри опа унинг овқатланишга ҳаракат қилаётганлигини кўриб, кўнгли оз бўлса-да хотиржам тортдию, сокин «уҳ» тортиб, «ўзингга шукр», деди.

Садоқат бувисининг ёрдами билан ўзини қўлга олиб, мактабга қатнай бошлади. Аммо унинг руҳиятида жуда катта ўзгариш бўлганди. Аввалги эркаликлари, эҳтиёжларига бўлган талабчанлиги, шўх-шаддод ҳаракатлари ўрнини босиқлик, ўйчанлик, тортинчоқлик каби она учун нохуш бўлган ҳолат эгаллаганди. Тўғрироғи, бўлиб ўтган воқеалар уни бир қадар улғайтирганди.

Онасига тез-тез камчиликларини айтиб турадиган қиз бу ҳақда оғиз очмас, оила даврасида очилиб ўтирмас, ундаги ўзгаришларнинг барчаси онанинг қалбига наштардек ботарди. Куну тун дала ишларию оила боқиш ташвиши билан овора Абдуҳамид ака эса бўлиб ўтган ишлардан бехабар эди. Шунинг учун кечга томон Садоқатнинг ўзига ўхшамаган ҳолда бўшашиб юрганлигини кўриб:

– Нимага Садоқат тузалиб кетмаяпти? Сен яхши қарамаяпсан унга, – аёлига танбеҳ бера бошлади. – Эртагаёқ тузукроқ дўхтирга олиб бориб кўрсат.

– Келинни койийверма, қизинг анча яхши, – унинг сўзини бўлди Очахон эна. – Олдимга ўтир, сенга айтадиган гапим бор...

Абдувоҳид ака онасидан бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб чуқур хўрсинди.

– Шу ишнинг бир кун келиб юзага чиқишини билардим. Энди қизим қийналмаслиги учун нима қиламиз она? – онасига умид кўзларини тикди Абдуҳамид ака. – Ёки отам билан, бирор қарорга келдиларингми?

– Ҳа, ҳозир отанг масжиддан келса тўртталамиз ўтириб маслаҳат қилиб оламиз.

Катталар узоқ маслаҳату, ўзига хос тортишувлардан сўнг, бир хулосада тўхташди.

– Келин эртадан қолмай ўша хонадонга (Садоқатнинг ота-онаси дейишга тили бормасди Абдуносир отани) бориб вазиятни тушунтиради. Улар ҳам шундай бўлишини кутиб турган бўлса ажабмас. Кейин бир кунни белгилаб иккала қизни дугона қилиб қўйиш мақсадида Садоқатни олиб борасизлар.

– Аввалдан айтиб қўяй Садоқатга бирорталаринг бўлиб ўтган ишлар ҳақида оғиз очмайсизлар, ўзингизни ҳеч нарса билмагандек тутинг, – суҳбатга қўшилди момо. – У сизларнинг қизингизми, шундай бўлиб қолади. Лекин у неварам ҳам биз учун азиз. У хонадонимизга Садоқатнинг дугонаси сифатида бўлса ҳам келиб-кетиб туриши лозим.

Бу Меҳри опанинг кўнглидаги гап эди. У энди қизини ортиқча озор чекишини асло истамасди. Шу сабаб тонг саҳарлаб туриб зарур юмушларни бажарди-да, туман маркази томон йўл олди. У эр-хотиннинг айни дамда уйда эмас, хизматда эканлигини инобатга олиб, тўғри Саодат опа сотувчилик қиладиган универмагга борди. Меҳри опа йўл-йўлакай туғруқхона воқеасини ёдга олар экан, ўзини бу ишларда анчайин гуноҳкор ҳис қилар, беэътибор ва шарттакилиги сабаб, катта хатога йўл қўйганлигини англаб турарди.

Саодатхон Меҳрихонни дарҳол таниди. Айни дамда қалби бир хил дард, бир хил алам ва армонда тўлғонаётган икки аёл учун бу учрашув айни муддао эди. Шу сабаб, улар тез тил топиша олишди ва фарзандлари ҳамда ўзлари учун фойдадан ҳоли бўлмаган хулосада тўхташди. Яъни иккала қизга ҳам бўлиб ўтган воқеалар ҳақида умуман оғиз очилмайди, уларнинг қалин дугона сифатида тез-тез бориди-келди қилишларига имкон яратилади. Бу борада биринчи қадамни Меҳри опа қўйишга қарор қилди ва маълум кун белгилаб олинди.

– Садоқат қизим, бугун мактабингда ушланиб қолма. Тезроқ келиб, бошингни ювиб ол – дарсга жўнашга тайёргарлик кўриб турган қизига тайинлади она. – Сочларингни қирқ кокил қилиб ўриб қўяман. Эртага – дам олиш куни меҳмонга борамиз. Кеча туғруқхонада бирга ётган дугонамни учратиб қолдим. Унинг ҳам сен билан бир кунда туғилган қизи бор. Ўша пайтда қизларимиз катта бўлса дугона қилиб қўямиз, деб мақсад қилган эдик. Эртага олиб бориб сени ўртоқ қилиб келаман.

Садоқатнинг юраги ҳапқириб кетди. «Демак, эртага мен учун бегона бўлган ота-онам, яқинларимни кўраман. Улар мени яхши кутиб олишлари аниқ. Чунки универмагдаги воқеа буни исботлайди. Аммо у хонадондаги қиз-чи!?»

– Эшитаяпсанми, қизим? – онасининг саволидан ўзига келди хаёлга чўмиб ўтирган Садоқат.

– Ҳа, гапингизни тушундим, эрта келишга ҳаракат қиламан, – онасини тинчлантирди у.

Меҳри опа унга дугонаси ҳақида нималарнидир жон куйдириб гапирар, Садоқатнинг қулоғига бу гапларнинг бири кирса, бири кирмасди. Шу тобда у онасига ҳам осон эмаслигини ҳис қилиб турарди. Унга ўз ўрнида раҳми келар ва албатта унинг ўрнини ҳеч ким боса олмаслигини англаб турарди ҳам.

Эртасига она-бола маълум тайёргарликлардан сўнг, йўлга тушишди. Очахон эна уларнинг орқасидан кўз ёш ила дуо қилиб қолди.

Туман марказида жойлашган бу хонадон кўркам ва ободлиги билан ён-атрофдаги ҳовлиларга нисбатан аждаралиб турарди. Бунга асосий сабаб, оила бошлиғининг ҳовлидаги гуллардан тортиб, меваю баланд кўтарилган ишкомга қадар меҳр билан эътибор қаратгани бўлса ажабмас. Тушга яқинлашиб қолгани учун хонадон эгаларининг нигоҳи кўча дарвозада. Айниқса эр-хотиннинг узоқ йиллар кутган азиз меҳмони – қисматда айро тушган дилбандлари илк бор бағриларида бўлади. Шу сабаб, уларнинг ҳаяжони ўзгача. Буни зимдан кузатиб турган Лобарга ота-онасининг ҳаракатлари у қадар хуш ёқмаётганлигини англаш қийин эмасди.

Мана, ва ниҳоят, она-бола кириб келишди. Уларга пешвоз чиққан Саодат опа Меҳри опа билан кўришиб, орқада бир оз тортиниб турган Садоқатни меҳр билан бағрига босди. Шу орада Неъматилло ака ҳам уларнинг олдида пайдо бўлди.

– Бизнинг интиқ кутган қизимиз келибди-ку, мана буни хурсандчилик деса бўлади, – дея Садоқатнинг елкасидан қучиб, пешонасидан ўпди. – Лобар, қизим, қайдасан, дугонанг билан кўришмайсанми? – уларни зимдан кузатиб турган Лобарни чақира бошлади у.

Лобарнинг Садоқатга кўзи тушган заҳоти юраги шув этиб кетди. Қуйиб қўйгандек дадасига ўхшаган бу қиз ниҳоятда хушрўй эди. Одатда ўсмир ёшидаги қизлар ҳали чирой очиб улгурмаган, табиатан бир оз дағал, ўзига хос шаклланиш палласида бўлади. Аммо, табиат бу «фаришта»га ўзгача «мурувват» кўрсатган эди, гўё.

Неделя обещает быть насыщеной, причем самыми разнообразными делами. Возможно, вам захочется почувствовать себя свободным художником. Постарайтесь не впадать в крайности и не уходить от дел далеко и надолго. Вам придется больше времени и сил уделять общению с родственниками.

На этой неделе вам могут сделать перспективное деловое предложение, которое откроет для вас новые возможности. Сосредоточенность позволит вам владеть ситуацией, тогда почти все дела вы сможете завершить в намеченные вами сроки. Не забывайте об отдыхе и развлечениях.

На работе возможна затруднительная ситуация, при которой лучше всего прибегнуть к помощи коллег. Вам может подвернуться выгодная работа или дополнительный кратковременный заработок. Благоприятны дальние поездки и путешествия. Постарайтесь улаживать семейные дела во второй половине недели.

Постарайтесь не отказывать в помощи людям, которые к вам обращаются. Вы способны привлечь внимание окружающих, сочетая оптимизм и гибкость в поведении. В общении с деловыми партнерами вам понадобятся такие качества, как терпение, уступчивость и умение реально оценивать ситуацию.

На этой неделе погрузитесь в работу — разберитесь с накопившимися делами. Не провоцируйте своими действиями и высказываниями недовольство окружающих. Делайте для других только то, что сделали бы для себя, и не занимайтесь самообманом. Возможны поездки и встречи.

У вас может появиться возможность приобрести знакомства в ранее недоступных для вас сферах. Во второй половине недели вас могут посетить замечательные идеи, а владение важной информацией привлечет к вам много сторонников. Намеченная дальняя поездка окажется удачной.

Табассум

«АВАЙЛАШ КЕРАК»

Меҳмон уй бекасига деди:

– Дугонажон, соч турмагинг жуда чиройли экан, сенга роса ярашибди.

– Ҳа-а, раҳмат, ўзимга ҳам ёқди. Умуман, сочга яхши эътибор бериб, уни авайлаш керак.

Шу орада гапга уй бекасининг қизчаси аралашди:

– Ҳа, холажон, онам тўғри айтаяптилар. Улар ҳар куни кечқурун ётишдан олдин сочларини бошларидан олиб, тумбочкага солиб қўядилар...

ИККИ МАСАЛА

Касаба уюшмасининг навбатдаги йиғилишида иккита масала кўриб чиқилади:

1.Ҳисобчи Барноевнинг корхона раҳбари ҳақидаги танқидий фикрлари.

2.Ҳисобчи Барноев билан хайрлашув...

ТАКСИДА КЕЛДИМИ?

Дўконга кирган харидор сўради:

– Қанақа балиқлар бор?

– Селёдка.

– Яна қандайлари бор?

– Бошқа ҳеч қанақаси йўқ. Кўриб турибсиз, транспорт, бензин масаласи чатоқ бўлиб турибди.

– Унда селёдка қандай қилиб етиб келди, таксидами?!

БИРИНЧИ МУКОФОТ

Бир эркак иккинчисига деди:

– Биласанми, кеча менинг мушугим қушлар кўргазмасида биринчи мукофотни олди.

– Тушунмадим, қандай қилиб мушук қушлар кўргазмасида мукофот олиши мумкин?

– У биринчи мукофот олган қушни пақ-қос туширди...

МЕН ФАҚАТ...

– Комилжон, тўтини ёмон сўзлар айтишга сен ўргатдингми?

– Йўқ, ойижон, мен унга фақат қайси сўзларни айтиш мумкин эмаслигини ўргатгандим...

С.ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

Рекорды Книги Гиннесса

Филипп Киркоров решил вспомнить детство и посетил сочинский парк аттракционов. Эта площадка является своеобразным мерилом популярности артистов. Киркоров единственный певец, который с завидной регулярностью собирает здесь аншлаги. Прошедший концерт войдет в Книгу рекордов Гиннесса.



Южноафриканская телекоммуникационная компания Telkom попала в Книгу рекордов Гиннесса, установив на верхушку телебашни «Лукасрэнд» в южноафриканской столице Претории огромный футбольный мяч, масса которого составляет 50 тонн, диаметр мяча равен 24 метрам.

Бивни греческого мастодонта длиной 5 метров 2 сантиметра официально внесены в Книгу рекордов Гиннесса как самые длинные в мире. Бивни доисторического животного были обнаружены в 2007 году неподалеку от города Гревена на северо-западе Греции.

ДУНЁ НАФАСИ

ЮК КЎТАРУВЧИ РОБОТ

«Panasonic» компаниясининг Киотода жойлашган «Activelink» деб номланувчи бўлинмаси муҳандислари илмий фантастикани ҳақиқатга айлантириш учун бел боғлашган кўринади. Яъни улар одамлар оғирини енгил қилиш мақсадида юк кўтарувчи ва қутқарувчилар учун мўлжалланган «Power Loader» деб номланувчи экзоскелет яратишди.

Мосламанинг ҳатто оёқлари ҳам хавфсизлик нуқтаи назаридан йўғон сим арқонларга мустаҳкамланади, улкан манипуляторлари эса узунликни ўзгартириш, ҳар хил яссиликларда ҳаракатланиш, инсон қўлига ўхшаб кўтариб, тушириш, шунингдек буюмларни олиш имкониятига эга. Фақат оёқлар ҳозирча жойида турганча ҳаракатланишга мосланган.

230 килограммлик мослама 18 та электромотор ҳисобига ишлаб, 100 килограммгача юкларни бемалол кўтаради.

Экзоскелетнинг ўзига хослиги унинг бошқарувида. Яъни операторнинг қўл ва оёқлар ҳаракатидан у нима қилиш лозимлигини тушуниб олади. Фақатгина оператор унга кучи етмайдиган топшириқ бермаса бўлгани.

800 МЕТРЛИК МИНОРА

Дунёдаги энг баланд бино – «Burj Dubai» (Дубай минораси) қурилишининг ташқи томони ўз ниҳоясига етди. Бу ҳақда «ВАМ» ахборот агентлиги хабар тарқатган.

Жорий йил охирида очилиши кутилаётган минорага 24 мингдан зиёд алюмин ва ойнадан қилинган панеллар ўрнатилган бўлиб, умумий ҳажми бешта футбол майдонига тенг.

Биргина ташқи томонига бешта А-380 аэробуси қурилишига етадиган алюмин ишлатилганини таъкидлаш лозим.

Минора баландлиги 800 метрдан ошиши кутилаётгани ахборот агентлиги маълумотида келтирилган.

ИХТИРО АВТОМОБИЛЛАРНИ ТЎҚНАШИШДАН САҚЛАЙДИ

«Nissan» янги ихтиро – «EPORO» технологиясини тақдим этди. Унга кўра, автомобиллар бир-бири билан тўқнашиб кетишдан сақланади. Яъни бу гавжум жойда машинанинг балиқлар галаси модели бўйича ҳаракатланиши ҳисобига амалга оширилади.

Мазкур мосламада замонавий электрон технологиялардан фойдаланилган. Дунёдаги илк робот-автомобиль ўзига ўхшаган моделлар орасида ҳаракатланишга мослашган бўлиб, махсус коммуникация тизими орқали бошқа ҳаракат воситалари билан ҳам ахборот алмаша олади.

ЯШАШ УЧУН ҚУЛАЙ МАМЛАКАТ

БМТ нинг 5 октябрда эълон қилинган йиллик ҳисоботида Норвегия яшаш учун дунёдаги энг қулай мамлакат сифатида қайд этилган. Бу борада энг сўнгги ўринни эса Нигерия эгаллаб турибди. Иккинчи ўрин Австралия, учинчи ўрин эса Исландияга тегишли.

Таъкидлаш жоизки, бунда аҳолининг узоқ умр кўриш даражаси, аҳоли саводхонлиги, ўртача даромади ҳисобланган.

Масалан, сўнгги ўринларни банд этиб турган Афғонистонда ўртача умр кўриш даражаси 43,6 ёшни ташкил этса, бу кўрсаткич Норвегияда 80 йилга тенг.

ПАҲЛАВОН ЧАҚАЛОҚ

Индонезияда паҳлавон чақалоқ дунёга келди. Унинг оғирлиги 8,7 килограмм, бўйи 62 сантиметрни ташкил қилади.

Паҳлавонни Акбар Рисуддин деб номлашди. Чақалоқнинг отаси 50 ёшли Муҳаммад Ҳасануддин, онаси 41 ёшли Ани бўлиб, икки акаси ҳам 5,3 ва 4,5 килограмм вазнда дунёга келишганди. Акбарнинг иштаҳаси карнай. Қўйиб берса, эртадан кечгача онасини эмади. У 2007 йилги миллий рекордни янгилаб, 6,7 килограмм вазнда туғилган жакарталик чақалоқни ортда қолдирди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

Яман портида француз танкери портлади

Франциянинг Limburg номли нефть танкерида содир бўлган портлаш террорчилик ҳаракати натижасидир. CNN хабар қилишича, бу ҳақда Франция вице-консули Марсель Гонкальвес баёнот берган. Унинг сўзларига кўра, танкерга портловчи моддалар билан тўлдирилган кичик кема келиб урилган бўлиши мумкин. Бироқ, Яман маъмурлари фикрича, танкерга ортилган нам нефтнинг оқиб чиқиши портлашга сабаб бўлган бўлиши мумкин, деб хабар қилади ИТАР-ТАСС. Дастлабки маълумотларга кўра, портлаш натижасида 13 киши яраланган, экипажнинг 12 аъзоси бедарак йўқолган, 11 нафар денгизчи кемадан эвакуация қилинган.

Қароқчилар савдо кемасини қўйиб юбордилар

Сомалилик қароқчилар 8 июлда қўлга олинган Туркияга қарашли Horizon-1 савдо кемасини 1,5 млн. доллар миқдоридаги тўлов эвазига озод қилдилар, деб хабар беради ИТАР-ТАСС Туркия оммавий ахборот воситаларига таянган ҳолда. Қароқчилар бортида 23 нафар аъзоси бўлган кемани уч ой атрофида асирликда ушлаб турдилар. У Саудия Арабистонидан Иорданияга 33 минг тонна олтингугурт олиб кетаётганда қўлга олинган эди. Ҳозирда кема турк жанговар кемаси ҳамроҳлигида «хавфсиз зона»га йўл олган, у ердан эса Иорданиянинг Қизил денгиз бўйидаги Акаба портига етиб боради. Акабадан денгизчилар самолётда Туркияга етказилади.

«Фатх» ва «Хамас» битим имзолашга тайёр

Фаластиннинг «Фатх» ва «Хамас» ҳаракатлари 22 октябрь куни ярашиш ҳақида битим имзолаш ниятидалар. Бу эса Мухториятдаги ҳозирги сиёсий ихтилофга якун ясаши ва президент ҳамда парламент сайловларига йўл очиши мумкин. Бу ҳақда фаластинлик манбалар, шунингдек қарама-қарши томонлар ўртасида воситачилик вазифасини бажарган Миср вакиллари хабар беришган. Маълумотларга кўра, имзоланажак битим Фаластин мухторияти расмий вакилларини 2007 йилги тўнтаришдан сўнг улар ҳайдаб чиқарилган Ғазо секторига қайтишга чорловни ҳамда сайловларни назорат қилиш учун умумараб комиссияси ташкил этишни кўзда тутади. Миср томони сайловларни 2010 йилнинг биринчи ярмида ўтказишни таклиф қилмоқда.

Олий жазога тортмасликка қарор қилди

Америка ҳукумати АҚШнинг Гуантанамо (Куба)даги ҳарбий базаси махсус қамоқхонасининг собиқ маҳбуси Аҳмад Ғаилонини олий жазо – ўлимга маҳкум этишни талаб қилмасликка қарор қилди. Адлия вазири Эрик Холдернинг бу борадаги кўрсатмалари ҳақидаги хабарнома Манхэттен федерал судига келиб тушган. Маълумки, айнан шу суд 2010 йилнинг сентябрида 1998 йилда АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналари ёнида портлашларни амалга оширишга тайёргарлик кўрганликда айбланаётган ва 2006 йилнинг сентябридан бошлаб Гуантанамо қамоқхонасида ҳибсда ушланган танзаниялик Аҳмад Ғаилонининг ишини кўриб чиқишни бошлайди. Эслатиб ўтамиз, юқорида тилга олинган террорчилик акти натижасида 224 киши, шу жумладан 12 нафар америкаликлар ҳалок бўлган.

37 нафар синфдош чўчқа гриппи билан касалланган

Бельгиянинг Виллеброек шаҳридаги бошланғич мактабнинг бирйўла 37 нафар ўқувчиси A/H1N1 гриппи билан касалланган сабабли машғулотларга келмаган, деб хабар берди RTL-TVI телеканали. Бундай оммавий касалланиш натижасида синфдаги фақат 5 нафар ўқувчигина чўчқа гриппи вируси юқишидан сақланиб қолишга муваффақ бўлган. Мактаб директорининг тушунтиришича, болалар «яшил дарслар» деб аталувчи машғулот вақтида, яъни маҳаллий фермалардан бири билан танишув мобайнида ушбу касалликни юқтиришган. Сўнгги маълумотларга кўра, Бельгияда A/H1N1 гриппи билан касалланганлар сони 8,597 кишига етган, улардан 1,5 минг нафардан ортиғи касалликни ўтган ҳафтада юқтирган.

Молиявий операцияларга глобал солиқ

Халқаро ҳамжамиятнинг турли қутқариш ва рағбатлантириш дастурлари кўринишидаги йўқотишлари бир неча триллион долларга етди. Баъзи мамлакатлар инқироз сабабчилари ана шу йўқотишлар ўрнини тўлдириши лозимлиги, тавакалчиликларни ушлаб туриш омили сифатида эса барча молиявий операцияларни глобал солиққа тортиш кераклиги ҳақида баёнот бердилар, деб ёзади IFX.RU интернет-газетаси Wall Street Journal мақоласига таянган ҳолда. Ушбу ғоялар ҳар бир мунозарадан сўнг аниқ йўналишга эга бўлиб бормоқда. Жумладан, улар яқинда Питтсбургда бўлиб ўтган «йигирматалик» давлатлари раҳбарлари саммитида ҳам муҳокама қилинди. Ҳалқаро валюта фондига берилган топшириқлар бу ғоялар эзгу истаклардан реал воқеликка айланиши мумкинлигидан далолат бермоқда.

(www.NEWSru.com)

МАЪНАВИЯТ

ОТАМНИНГ ЎГИТЛАРИ

Аслида бирор воқеа ёки ҳодисага ўз муносабатингни билдириш, ё бўлмаса, яқин инсонларинг ҳақида илиқ фикрлар айтиш унчалик қийинмасдир-ов, лекин сенинг бир парча этдан бунёд бўлиб, дунёга келишингга сабабчи бўлган Ота ҳақида гапириш бироз эмас, анчайин мушкул "иш" эканлигини айни лаҳзаларда ҳис қилиб турибман. Йўқ, йўқ, бу деганим асло дунёда оталарга нисбатан берилган таърифу-тавсифларнинг камлигидан эмас. Аксинча, дунёда инсонларга хос бўлган ижобий эътирофлар борки, уларнинг борини оталарни улуғлашда қўллаш мумкин. Жумладан, энг улуғ, энг азиз, энг мыътабар... бу каби сифатларни оталарга нисбатан яна узоқ давом эттириш мумкин. Лекин барибир отанинг қандай зот эканлигини таърифлаш учун бу эътирофларнинг бари камдек туюлаверади, назаримда.

"Ота ўтирган уйнинг томига чиқиб бўлмайди", "Отага тик қараш гуноҳ, унга қўпол-қўрс муомала қилиш ундан ўн чандон ортиқ гуноҳ" деган гап бор. Бу каби ҳикматомуз сўзларнинг замирида Отанинг нақадар улуғ ва мўътабар зот эканлигига яна бир карра ишора қилинган бўлса, ажаб эмас.

Дунёда улуғ зотлар кўп. Уларнинг сафига устозларимизни ҳам киритишимиз мумкин. Зеро, оталар жисман шаклланишимизга сабабчи бўлса, устозлар маънавий дунёмизни бойитишга ҳисса қўшишади. Бу икки зотнинг ҳам фарзанд камолотида ўз ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Лекин, барибир отанинг ўрнини ҳеч бир устоз босолмаслиги аниқ. Балки, "Устоз отангдай улуғ" дейилишининг боиси ҳам шундадир.

Ҳамон ёдимда. Биз фарзандлар, айниқса қизлар кўчада отамизнинг "соя"си кўринди, дегунча, оҳудек ҳуркканча "шип" этиб хонамизга кириб олардик-да, ишимизни давом эттирардик. Бу ҳол албатта улардан қўрққанимиз ёки отамизнинг қаттиққўлликларидан эмас, аксинча уларга бўлган ҳурмат ва эҳтиром туфайли содир бўларди. Албатта, бу жараёнда онамизнинг ҳам ҳиссаси катта бўлар, бирор жойга бориш учун уларга мурожаат қилсак, "қизим, аввал отангдан сўра, жавоб берса, бораверинглар" дерди. Агар овозимиз сал баландроқ чиқиб кетса ҳам, "секинроқ гаплашинглар, отанг эшитиб қолади", дея бизни огоҳлантириб қўярдилар.

Илк тарбиянинг оиладан бошланишида ҳикмат ҳам каттадир. Айниқса, ота ўгитлари фарзанд истиқболини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Отажоним доимо бизга: "Болаларим, уйда қулдек, кўчада бекдек юринглар", дея кўп бора таъкидларди. Болалик қилиб бу ҳикматли сўзларнинг мағзини чақолмасак, ўзлари изоҳ бериб ўтардилар:

– "Уйнинг ҳам, кўчанинг ҳам ўз "абийири" (обрўйи) бўлади. Яъни уйнинг кийимини кўчага, кўчаникини уйга кийиб бўлмайди. Мисол учун, уйда чанггa беланиб бир иш қилаётган бўлсангиз, эскироқ кийимларни кийиб олсангиз ҳам айби йўқ, аммо кўчага чиққанда тоза ва озода кийимларни кийиб бекдек бўлиб юриш керак".

Шунингдек, уларнинг энг кўп такрорлайдиган гапларидан бири бу "Одобни одобсиздан ўрганиш керак", дейишлари эди. Ўша дамларда "Одобни одобсиздан ҳам ўрганиб бўларканми?" дея ўйланаўйлана ўйимнинг тагига етолмасдим. Аммо улғайгач, ҳаётий кузатишларим давомида бу ҳикматнинг ҳам мағзини чаққандекман.

"Оила ва жамият" газетасининг 2009 йил 22 апрель сонида муаллиф Саидвафо Бобоевнинг "Отанинг кўз ёши" сарлавҳаси остида берилган мақоласини ўқиб, кўнглимдан кўпгина ғалаёнли туғёнлар ўтаётганини ҳис қилдим. Улар бугунги куннинг энг оғриқли нуқталаридан бирига қалам теккизган эдилар. Мутолаага берилар эканман, мақоланинг ўрталарига келганда бирдан юрагимда қўрқув ҳисси пайдо бўлди. Сабаби мақолада келтирилган ўғил ярим кечаси сархуш ҳолатда уйига келади. Буни кўрган онаизорнинг: – "Болам, уйга кира қол, ҳозир отанг уйғониб қолади, жаҳли ёмон биласан-ку!" дея пичирлабгина айтган сўзларига:

– "Отам қўлидан келганини қилсин", – дейди важоҳат билан. Бу орада ўғлининг шовқинини эшитиб ота ҳам ҳовлига чиқади.

– Нима гап, онаси?

– Нима гаплиги билан ишингиз бўлмасин, – дейди ўғил. – Ичдим ўзимнинг пулимга ичдим. Хўш, яна савол борми?

Шу срда юракдаги қўрқув ҳисси янада кучаяди. Нима бўларкин-а, наҳотки худди биров кутилмаганда тарсаки туширадигандек, қўрқиб юзимни ушлайман. Ҳозир. Мана ҳозир отаси...

Хайрият, ўйлаганимдек бўлмади.

"Дафъатан отанинг кўзларидан аччиқ ёш қуйилди. Одатдагидек, тарсаки кутиб турган ўғилнинг бўйнидан меҳр билан қучиб олди".

...Ўғил эса отанинг пойига тиз чўкиб унинг тизларини қучоқлаб олди".

Қандай ибратли хотима. Қанийди, ҳаётда ҳам ота ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар мана шундай якун топса эди.

Энди ўғилни ҳоли қолдириб яна отага юзланамиз: У ўзини ўзи сўроққа тутади. "Бунчалик нафрат қачон ва нима учун пайдо бўлди?".

Жуда ҳам оғриқли савол. Нима дейишни ҳам билмайсан, киши. Ота улуғлиги ҳақида гапириш қанчалик мураккаб бўлса, бу саволга жавоб топиш ҳам шунчалик оғирдир.

Шул сабаб тасаввуримиздан бироз чекиниб, ўтмишга мурожаат қилишга кучли бир эҳтиёж сезамиз.

Таниқли профессор Малик Муроднинг "Ўзбек қадриятлари" номли китобини мутолаа қилар эканман, саволларимизга жавоб топгандек бўламан.

"Ҳолбуки биз узоқ вақт диний эътиқоддан, халқчил удумлардан юз ўгириб, руҳий меросдан, миллий анъаналаримиздан ажралиб қолган эдик. Жонимизга ёт мафкурани тиқиштириш орқали ота-бола, онабола муносабатлари, улар орасидаги гўзал ахлоқий муносабатлар ва меҳр-оқибатга раҳна солинди". Ҳа, ўтмиш бизга ўз хатолари орқали сабоқ беради. Бизнинг энг катта вазифамиз эса ушбу хатоларни такрорламасликдан иборатдир.

"Ўша кунни сира ҳам унутолмайман, – дейди юртдошларимиздан бири хўрсиниб. – Талабалик чоғларим эди. Қишлоққа бориб, айтган пулимни топиб беролмаганлари учун отамдан аразлаб, Тошкентга келиб қўйган эдим. Буни қарангки, отам мендан олдин келиб уйда ўтирган эканлар. Улар мен сўраган пулни қўлимга тутқаздилар-да, индамасдан қишлоққа қайтиб кетдилар. Ўшанда мен улардан "бу пулни қаердан топдингиз?" дея сўрашга ҳам улгурмадим.

Орадан йиллар ўтди. Ўқишни ҳам битирдим. Оила қурдим. Бола-чақа орттирдим. Ота бўлдим. Отам билан бўлган воқеа эса эсимдан чиқиб ҳам кетганди. Аммо...

Ҳозир болаларим ҳеч нарсага зориқишмасин, деб оғзидан чиққанини муҳайё қиламан. Аммо тарбия беришда хато қилдимми, ишқилиб фикрлари жуда саёз. Телефондан ортмайди. Уйда икки мингдан ортиқ китобим бор. Қани бирортаси қўлига китоб олса. Балки вақти келиб невараларим ўқир, деб умидланаман. Қайси бир куни ўғлим пул сўради. Ўртоғининг туғилган куни экан. Ўн минг сўм берсам, "бу нима бўлади, ада" дейди. Аслида бу пул қаердан келяпти, деб ўйлаш йўқ. Бир куни ўртоғи иккаласининг суҳбатини эшитиб қолдим: қўл телефони, кийим-кечакдан нарига ўтишмади. Уларга жуда ачинаман, ҳатто севги мактублари ёзишни ҳам билишмаса керак. Китобни қўлига олмаса қаердан ҳам билсин. Ёдимда, бешинчи синфдалигимда устозларимдан бири қўлимдаги китобни тортиб олиб, "сен жуда кўп ўқияпсан" деб уришгандилар. Болаларимга қараб отам кўз олдимга келаверади. Ўшанда уларни қаттиқ хафа қилган эканман-да, афсус...". Суҳбатдошимнинг сўзларини тинглай туриб, бу дунёнинг қайтар дунё эканлигига яна бир бора амин бўлдим.

"Болам бемеҳр чиқди, деб, кўп ҳам ўкинманг. Балки, сизга адолатсизлик бўлиб туюлаётган нарсанинг ўзи адолатдир... Сиз ота-онангиздан олган меҳрни болангизга берасиз. Болангиз боласига... Ҳаёт занжири узилмаслиги керак-ку",– дейди севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов ўзининг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" асарида. Нақадар ҳақ гап. "Ахир нимани эксанг шуни ўрасан", дейишади-ку халқимиз.

Жумладан халқимизнинг "Отангнинг ҳар бир олқиши – бир ҳовуч олтин", "Отангни бошга қўй, онангни кифтга", "Отангга қилма – ўғлингдан тортасан, онангга қилма – қизингдан тортасан", "Ўнг кўзинг – отанг, чап кўзинг – онанг", "Ота – билак, она – юрак", "Оналик уйнинг ори бор, оталик уйнинг зари", "Ота – ҳаёт боғбони" каби донишмандликнинг нодир намуналарига айланган ҳикматлар ҳам бежиз туғилмаган, албатта.

Сўз мулкининг султони Ҳазрат Навоийнинг "Муншаот" асарини мутолаа қилиш чоғида шоирнинг бундан беш аср олдин Ота ҳақида ёзиб кетган таърифларини ўқиб ҳайратландим.

Ҳа, биз оталаримизнинг доимо меҳридан баҳраманд бўлиб келганмиз, аммо ҳеч қачон унинг қаҳрига дучор бўлмайлик. Зеро, "Меҳри қаттиқнинг қаҳри ҳам қаттиқ" бўлиши аён ҳақиқатдир.

"Отасига ўхшаган қиз бахтли бўлади", деган сўзни давраларда кўп эшитганман. Шул сабаб доимо отамнинг барча яхши сифатларини ўзимда жо қилишга ҳаракат қиламан. Ҳар сафар қишлоққа бориб ота-онам, яқинларимнинг дийдорига тўйгач, отамнинг қаршисига тиз чўкиб, дуосини олиш умидида термуламан. Улар доимгидек икки қўлларини очиб узоқ дуо қиладилар. Мен бундай дуолардан руҳий қувват олган ҳолда Тошкент сари отланаман. Йўл-йўлакай мен ҳам дуога қўл очаман: "Илоҳим, бизларни дуо қилиб турадиган ота-оналаримиз ҳамиша соғ бўлсинлар!".

Назира БОЙМУРОДОВА.

ЁШЛАР

КАМОЛОТГА БОШЛАР ҲАЁТ МАКТАБИ

Ёшлик – умрнинг шижоатга, ғайратга, орзу-умидларга тўла даври. Бежизга боболаримиз унинг қадрига етишга, ўтаётган ҳар кун, ҳатто дақиқалардан унумли фойдаланишга ундамайдилар. Чунки келажак пойдеворининг мустаҳкам бўлиши ҳар жиҳатдан ёшликда амалга ошириладиган изланишлар, хатти-ҳаракатларга бевосита боғлиқ.

Мамлакат тараққиёти, салоҳияти асосан ёшлар билан белгиланади. Яъни иқтидорли, интилувчан, илмга ташна фарзандлари бисёр бўлган юртнинг истиқболи порлоқ бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Юртимизда ёш авлоднинг таълим олиши, униб-ўсишига қаратилаётган эътибор, уларнинг том маънода эртамиз эгалари бўлиб шаклланишлари йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг салмоғи улкан. Ёшларнинг бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан ўзларига билдирилаётган ишончни оқлашга интилаётгани эса қувонарлидир. Тошкент юридик институти талабаси Фаррух Қаршиев ҳам ана шундайлардан биридир.

ТОШГА ЎЙИЛГАН НАҚШ

Қаршиевлар хонадони Юнусобод туманининг "Фирдавсий" маҳалласида истиқомат қилишади. Оила бошлиғи Эшмирза ака – "Биноқур" қурилиш ташкилотида иш юритувчи. Турмуш ўртоғи Зубайдахон билан биргаликда икки ўғил, бир қизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказаётган бу инсон фарзандларига ҳаётда ҳалол, тўғри, бир сўзли, энг муҳими, меҳнат қилишдан орланмаслик лозимлигини уқтириб келади. Ота пандига амал қилиб улғайган фарзандларга бугун кўпчилик ҳавас-ла боқади, маҳалла аҳли ўз жигаргўшаларининг-да улар каби хушфеъл, боодоб, илмли-ҳунарли бўлишини орзу қилади.

Оиланинг тўнғичи ота касбига меҳр қўйди, бинокорлик, бунёдкорлик ишқи қалбига чўғ ташлагани боис устачилик, қурувчилик сирларини ўрганишга интилди. Машойихлар бежизга: "Ёшликда ўрганилган билим, ҳунар тошга ўйилган нақш кабидир", деб айтишмаган. Халқимизда азал-азалдан ёшларнинг илму маърифат, ҳунар эгаси бўлишига катта эътибор қаратиб келинади. Айниқса, йигит кишига баҳо берилганда унинг касби кори, ҳунари обдон сўраб-суриштирилган. "Эр йигитга қирқ ҳунар ҳам оз", "Илмли, ҳунарли элда хор бўлмас", каби халқ ҳикматлари замиридан ана шу маънони уқиш мумкин. Отасидан бунинг сингари ўгитларни, нақлларни кўп эшитган ўғиллар болаликдан кўплаб ҳунарларни, ҳаёт мобайнида қўл келиши мумкин бўлган билимларни ўргандилар.

Тўнғич фарзанд тез орада қўли келишиб, устозлари эътирофига сазовор бўлди, ҳозир у отаси билан елкама-елка юрт кўркига кўрк қўшадиган ҳашаматли, осмонўпар, фусункор иморатларни барпо этиш билан машғул. Фаррух ҳам отаси, акаси ёрдамида ҳунар ўрганди. Маҳалладош акалари – Ойбек, Ғулом, Одилларнинг армия ҳақидаги ҳикоялари унда ҳам юрт қўришга ҳавас уйғотди. Кўнглида эзгу орзу бўй кўрсатди: "Мен, албатта, аскар бўламан!" Бу қарорига отаси: "Ўғлим, ниятингни эшитиб қанчалар қувонганимни билсанг эди! Ўғил ўстираётган ҳар бир ота фарзандининг эл корига камарбаста, юрт тинчлигига ҳисса қўшишга, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлишини ич-ичидан орзу қилади. Эр йигит армияда синалади, унинг қанчалик балоғатга етгани, улғайгани айнан хизматда аён бўлади. Ишонаманки, сен бу синовдан ёруғ юз билан ўтасан!"

Отасининг бу сўзлари ўғлонга гўёки қанот бағишлади. Тезроқ ўқишни тугаллашни, етуклик гувоҳномасини қўлга киритган заҳоти муддатли ҳарбий хизматни ўташни орзу қила бошлади.

"АРМИЯГА БОРАМАН!"

Яқинларидан сўраб-суриштириб, бугун муддатли ҳарбий хизматга фақат жисмонан соғлом, ақлан баркамол, билимли йигитларгина сараланиб олиниши мумкинлиги ҳақида билиб олган мақоламиз қаҳрамони тайёргарликка зўр беради. Ўқишдан бўш вақтлари тинмай изланди, тегишли фанларни пухта ўзлаштиришга, мунтазам спорт билан шуғулланишга ҳаракат қилди. Табиийки, қатъиятли ўғлоннинг бу изланишлари бесамар кетмади.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Белгиланган кўрик-танловлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга отланган Фаррух ҳаёт мактабида ҳам ўзини кўрсата олди. Унинг илғорлар қаторидан жой олишига, хизмат машаққатларини мардонавор енгиб ўтишига, командирлари назарига тушишига қунт билан олган сабоқлари, шунингдек, мураббийси – спорт устаси, қўл жанги ва кикбоксинг бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони Ҳамза Акромовдан ўрганганлари қўл келди. Сўзларимиз исботини унинг қисм миқёсида муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган бир қатор беллашувларда биринчиликни қўлга киритгани, бир неча бор қисм қўмондонлигининг мақтов ёрлиқлари билан тақдирланганида, бундан ташқари, фақат энг фаол ва билимли посбонларгагина насиб этадиган тавсияномага муносиб топилганида ҳам кўриш мумкин. Ўғлон армияда командирлари – офицерлар А. Холбўтаев, И. Бегимқулов, кичик сержантлар О. Исмоилов, Д. Раҳмоновлардан кўп сабоқлар олди, тафаккури кенгайди, билимлари бойиди.

Муддатли ҳарбий хизмат давомида Фаррух нафақат тобланди, чиниқди, машғулотларда илғор бўлишга, устоз офицерлар ва сержантлардан соҳага оид билимларни пухта ўзлаштиришга интилди. Натижада "Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси", "Жанговар тайёргарлик аълочиси" кўкрак нишонларига муносиб топилди.

– Муддатли ҳарбий хизмат давомида кўп нарсаларни ўрганишга муваффақ бўлдим, – дейди ўғлон. – Айниқса, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари менда катта таассурот қолдирди. Соҳа сирларини ўзлаштиришимда командирларим, айниқса, капитан А. Холбўтаевнинг ёрдами катта бўлди. Миллий армиямиз сафида хизмат қилганимдан фахрланаман.

Ҳа, ҳарбий хизмат бугун мамлакатимизда орзуга, ифтихорга сазовор касбга айланиб улгургани рост. Муҳими, фарзандларимизда иштиёқ ва соҳага муҳаббат, интилиш кучли. Қуролли Кучларимиз сафларида ўз ҳаётини армиясиз тасаввур эта олмайдиган, муддатли ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурч деб биладиган ўғлонларнинг хизмат қилаётгани тинчлигимиз ишончли қўлларда эканига ишончни мустаҳкамлайди.

Жамшид НИЁЗОВ,
"Ватанпарвар" мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

СПАСИБО ЗА ПОМОЩЬ

В нашей стране проявляется большая забота о подрастающем поколении, улучшении его образования и патриотического воспитания, создании необходимых условий для всестороннего развития каждой личности в условиях независимости.

Караульные войска МВД республики не остаются в стороне от этой важной работы, вносят свой вклад в дело военно-патриотического воспитания подрастающего поколения и уже не один год шефствуют над отдельными школами, коллективами и лицеями.

Хорошие шефские связи сложились у личного состава воинской части, которой командует офицер А. Саидов, со школой №145 Хамзинского района столицы. Установились они еще более трех лет назад и все это время активно поддерживались и развивались. Воины регулярно бывают в школе, порой и за счет своего личного времени, встречаются с учащимися, рассказывают им о военной службе, принимают участие в подготовке и проведении занятий, бесед и других различных общешкольных мероприятий, связанных с военно-политической тематикой, а также оказывают помощь и содействие, как специалисты, в ремонте, техническом обслуживании и поддержании в рабочем состоянии охранной сигнализации и средств связи, находящихся в школе.

Постоянно и активно участвуют в этой работе военнослужащие контрактной службы старшие сержанты Ф. Джуракулов, Б. Мукатов, Е. Шамардина, А. Мирбаратов, сержанты Ю. Каримов, Ф. Кабилов и другие, за что не раз в их адрес звучали слова искренней признательности и благодарности от руководства школы, и учащихся.

На днях в часть поступило благодарственное письмо за подписью директора школы В. Гладышева и заведующего районным отделом народного образования А. Сабирова, в котором выражена признательность воинам и дана высокая оценка их добросовестному труду, безвозмездной помощи, оказываемой школе.

Такая оценка, безусловно, радует и вдохновляет воинов. Нет сомнений, что и в новом учебном году участие военнослужащих войск в патриотическом воспитании будущих защитников нашей страны будет более активным и весомым.

Николай ЧУРСИНОВ.

Ёшлик нигоҳи-ла
боққил дунёга,
Камалак рангларга
бўласан ошно.
Орзуларинг учар
нурли самога,
Товусдек турланиб
боқади дунё.

Ёшлик нигоҳи-ла
боққил дунёга,
Юксак довонларга
етар журъатинг.
Қўлинг узатарсан
ою зуҳрога,
Заминни зарларга
буркар ғайратинг.

Чунки бу нигоҳда
яшар келажак,
Юксак мақсадлару
сен кутган иқбол,
Яшар ҳақиқатга
айланган эртак,
Эзгу-ниятларинг
рўёб истиқбол.

Ёшлик нигоҳи-ла
боққил дунёга!

Зулфия ЮНУСОВА.

ТАШРИФ

СИЗУ БИЗГА ЯҚИН ИНСОН

Унинг суратини кўрибоқ, ўқувчиларимизнинг юзларига илиқ табассум югурганини тасаввур қилиш қийин эмас. Унинг театр саҳнасида ижод қилаётганига ҳам ўттиз уч йилдан ошиб қолди. Шу давр мобайнида юзларча роллар ижро этди. Ана шу юзлаб роллар орасидан «Бозор кўрмаган йигит», «Отасининг қизи» спектаклларидаги яратган образлари уни элга танитди, эл аро суюкли қилди. Ҳа, бу сўзсиз сиз-у бизнинг севимли актёримиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матёқуб Матчоновдир. Таниқли актёр ҳар томонлама сиз-у бизга яқиндир.

ИНСОН ОИЛАДА ШАКЛЛАНАДИ

У тарбия топган оила минглаб миллатдошларимизникидан деярли фарқ қилмайди. Оталари Саъдулла ака (марҳум) оддий ҳайдовчи бўлиб, санъатга бениҳоя меҳр қўйган инсон эдилар. Бетакрор истеъдод эгаси, халқимизнинг севимли ҳофизи Комилжон Отаниёзовнинг ашаддий мухлиси ҳам дўсти бўлганлар. Актёр онаси ҳақида гапирганида ҳар гал у кишини чексиз меҳр ва ҳурмат билан тилга олади. Улфат ая ҳаёт сабоқларини анча эрта ўзлаштирган фидойи аёлдир. Келинг, яхшиси улар ҳақида санъаткор фарзандлари гапирсин:

– Онам биз фарзандларига бир гапни кўп такрорлардилар: Сизда имкон бор, сиз илмли бўлинг. Ёшлик йиллари уруш даврига тўғри келган, етимлик уқубатларини бошдан кечирган, турмуш қийинчиликларидан сиқиб қолмаган хат-саводи йўқ онамизни ҳаётнинг ўзи доно муаллимага айлантирган. У кишининг тарбияларини олиб кам бўлмадик.

Дарҳақиқат, бугун бу оилада тарбия топган инсонлар билан нафақат Улфат ая балки юртдошларимиз ҳам фахрланадилар. Улар олти фарзанд тарбиялаб, вояга етказдилар. Ҳар бири қалбида комил инсонга хос энг гўзал, олий туйғулар билан камол топди, улғайишди. Пойтахтимизнинг катта халқа йўлларидан бирида жойлашган давлат автомобиль назорати пости Уч қаҳрамон номи билан аталади, дейиш билан янгилик айтмаётганимни яхши биламан. Уч қаҳрамон дейилишининг ўзиёқ киши эътиборини тортиши шубҳасиз. Юртимизнинг уч фидойи, мард ва жасур фарзанди шарафига қўйилган бу ном. Ана шу уч ўғлоннинг бири катта лейтенант Маткарим Матчоновдир.

Шу оиланинг яна бир фарзанди истеъфодаги подполковник Матназар Матчонов ҳам шарафли касбда узоқ йиллар фидойилик билан хизмат қилди. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, оға-иниларнинг ҳар бири ҳақида, уларнинг ишлари, эришган ёки эришаётган ютуқлари, инсоний фазилатлари, юрт ишига фидойиликлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтса арзийди.

– Инсон, аввало, оилада камол топади, – дейди актёр Матёқуб Матчонов. – Буни оиламиз мисолида айтсам, нокамтарлик бўлмас. Ота-онамиз ҳаётда кўпни кўрган инсонлар, турмуш қийинчиликларини ҳам обдон татиганлар. Улар бизни қаноатли бўлишга ўргатишди. Оилада ҳар кимнинг ўз ўрни бўлишини уқтирдилар. Ватан ҳақида жарангдор гапларни гапирмасалар-да ватанпарварликнинг қутлуғ туйғу эканлигини содда, самимий суҳбатлари, ўгитлари билан болалигимиздаёқ англатганлар. Инсонга хос энг гўзал фазилатлар, олий туйғулар оилада шаклланади, боғча, мактаб, илм масканларида эса булар сайқалланади. Ватанпарвар инсонлар юрт қудратини янада юксалтиришга, унинг янада довруқли бўлишига ҳамиша улкан ҳисса қўшиб келганлар. Мен Ватаннинг биргина номи ҳам қанчалар ҳаётбахш, қудратли куч эканлигини яхши биламан. Биз ака-укалар спортга жуда қизиқамиз, айниқса боксга. Деярли барчамиз спортнинг шу тури билан шуғулланганмиз. Мустақиллик шарофати билан юртимиз спортчилари ҳам Ўзбекистон номидан халқаро майдонлардаги беллашувларда куч синашиб, зафар қучиб, миллат довруғини оламга ёя бошладилар. Спорт Ватан номини дунёга достон қилишда, қудратини кўз-кўз қилишда энг яхши воситадир. Юртимиздан чиққан кўплаб спортчилар бугунги кунда халқаро майдонларда она Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, зафар қучмоқдалар. Ўғлим Жасур Матчонов ҳам боксчи. Унинг ҳар бир ўйинини, нафақат фарзандимнинг, бошқа боксчиларнинг ҳам, айниқса, халқаро майдонлардаги ўйинларини ҳаяжонсиз кузата олмайман. Ёнида бўлгим келади, ёшликка қайтгим келади... Жасурнинг бир гапи кўнглимдан чиққандек, гўё: «Рингдаги оғир жангларда ҳолдан тоя бошласам, залдан янграган биргина Ўзбекистон деган сўзнинг ўзиданоқ кучимга куч қўшилаётганини ҳис қиламан...».

Ҳа, исми жисмига монанд боксчимиз Жасур Матчоновнинг рингда рақибларига шердек ташланиб жанг қилишини юртдошлари ҳам фахр-ифтихор билан кузатганлари табиийдир. Юрти шаъни учун майдонга чиққан баҳодирини миллат бепарво кузатиши мумкинми ахир?! Фарзанди ҳақида тўлқинланиб гапираётган отани тинглаб туриб, болаларда Ватанга муҳаббат уйғотишнинг энг яхши воситаси оталарнинг Ватанни севишларидир деган донишманд нақадар ҳақ эканлиги хаёлимдан ўтди.

ИСТЕЪДОДЛИ ШОГИРДЛАР

Профессор Арсен Исмоилов номини мамлакатимиз санъат оламида яхши биладилар. Бу инсон ҳақида истеъдодли шогирди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳошим Арслонов шундай дейди:

– Театр санъати фидойиси деганда менинг кўз ўнгимда устозимиз Арсен ака Исмоилов гавдаланади. Биз Санъат институтининг кундузги бўлимида у кишининг бевосита раҳбарликлари остида таҳсил олган биринчи курс эдик. Ҳали таҳсил олиб юрган давримиздаёқ курсимизни истеъдодлар курси, дея эътироф этишар эди. Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб уларнинг деярли барчаси республикамиз санъат оламида ҳормай-толмай, фидокорона ижод қилиб, эл-юртга танилдилар. Бунда, албатта, ҳурматли устозимизнинг улкан хизматлари бор.

Актёр Матёқуб Матчонов ҳам у кишининг маҳоратли шогирдларидан бири.

– Мен ҳамон устозимиз Арсен ака Исмоиловнинг қимматли маслаҳатларини, йўл-йўриқларини олиб тураман, – дейди у. – Устоз сабоқларини олган курсдошларимизнинг ҳар бири ҳақида алоҳида гапириб ўтсам арзийди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Маҳмуд Исмоилов, Гайбулла Ҳожиев, Венера Сафьянова, режиссёр Рустам Расулов, Миртўлаб Миркамолов... улар номини яна давом эттириш мумкин. Улар ҳали навқирон ёшда, ҳали санъат соҳасида сермаҳсул ижодлари билан мухлислари кўнглини кўп бора шод этадилар.

УНИ «ОТАСИНИНГ ҚИЗИ» ТАНИТДИ

Севимли актёримиз илк фаолиятини 1976 йили Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида бошлаган. Ўша пайтларда театрнинг бадиий раҳбари Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров бўлиб, у киши ҳам Арсен Исмоиловнинг шогирдларига ҳурмат ва ишонч билан қарар эдилар. Бу курснинг ҳаммасини шу театрга оламиз, деганларини бугун ҳам «истеъдодлар курси» фахр билан эслайдилар.

Дастлабки ролини Василий Шукшин қаламига мансуб «Корчалонлар» спектаклида ўйнади. «Корчалонлар» Одил Норбоевнинг диплом иши бўлиб, муваффақият билан театр саҳнасида қўйилди. Шундан кейин бирин-кетин турли роллар ижро эта бошлади. Булардан «Отасининг қизи» (Эркин ролида) нафақат актёр учун балки бутун театрга катта шуҳрат олиб келди. Мазкур спектакл Ўрта Осиё давлатлари театрлари ўртасида ўтказиладиган Наврўз фестивалида фахрли биринчи ўринни қўлга киритган эди. «Отасининг қизи» Москва шаҳрида, Германияда муваффақият билан қўйилди.

– Роллар ижро этишнинг ўзига яраша машаққатлари бор, – дейди актёр. – Аммо шундай роллар бўладики, уларни қайта-қайта ижро этиш билан артист яйрайди, ҳузурланади. «Отасининг қизи»даги Эркин роли мен учун ана шундай ҳузурбахш ролдир.

Кўпдан кўп спектакллар орасида актёрга муваффақият олиб келган яна бир саҳна асари «Майсаранинг иши»дир. Матёқуб Матчонов Аълам образини юксак маҳорат билан ижро этди. Ва элга танилди.

Театр саҳнасида маҳорат билан турли қиёфаларни акс эттираётган севимли актёримизнинг устозлари билан қизиққанимизда у шундай таъкидлади:

– Ижро этган ролларимни кузатиб, «мана бу ерини бундай қилсанг, яна ҳам яхшироқ чиқар эди», деб самимий маслаҳат берган ҳар бир театр артистини ўзимга устоз деб биламан. Бундай инсонлар кўп, халқимизнинг севимли актёри Мурод Ражабов, Ноила Тошкенбоевaларга ҳурматим баланд.

Кейинги пайтларда унинг кино санъатида ҳам баракали ижод қилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Актёр илк бор Элёр Эшмуҳамедовнинг «Даҳонинг ёшлиги» фильмида Бенсафер ролида суратга тушган эди. Мазкур фильмда салбий қаҳрамон ролини маромига етказиб ижро этганлиги унинг кўпқиррали актёр эканлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда у суратга тушган фильмлар сони олтмишдан ошиб кетади.

«ЎЗБЕГИМ»НИ ТАКРОРЛАЙМАН...

Матёқуб ака ижодкор инсон. Мумтоз адабиётимизнинг билимдони десак, янглишмаймиз. Шеъриятга ихлоси баланд. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов шеъриятини севади. Унинг таъкидлашича «Ўзбегим» шеъридан ўтадигани йўқ экан. Келинг, изоҳини севимли актёрнинг ўзидан тинглаймиз:

– Мустақиллик улуғ неъмат. У юртдошларимизга улкан имкониятлар берди, ўзлигини кўрсатиш имкони, юрт қадрини, қудратини англаш имконини берди. Мен ўзаро суҳбатларда чет эл ҳақида, у ердаги яшаш тарзи ҳақида оғзидан бол томиб сўзлаётган кишиларни учратиб тураман. Ўзим ҳам хориж давлатларига тез-тез чиқиб тураман. Жуда чиройли шаҳарлар, яшаш даражаси ҳам яхши, аммо Ўзбекистондан яхшисини кўрмадим, Ўзбекистондан яхшиси йўқ. Бегона юртларда юрганимда беихтиёр «Ўзбегим» шеъридан айрим сатрларни такрорлаб қўяман, менга шу шеър ниҳоятда ёқади, бетакрор юртимиз, буюк аждодлар, улуғвор миллат – ҳаммасини шу шеърда кўраман:

Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон ўзбегим.

Болаликнинг орзулари беғубор. Актёр ҳам болалигида учувчи бўлишни орзу қилган экан. Аммо кейинчалик «бир йўла барча касбларни эгаллаш имкони борлигини билиб қолдим. Бу актёрликдир. Мен бу касбни танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмайман, – дейди у. – Ватан ҳимоячиларини ҳурмат қиламан. Улар ҳузурига ҳамиша қувонч билан чиқаман. Улар ҳақида яратилган фильмларда ҳам жон деб иштирок этаман».

Ҳа, «Ўзбегим»ни севган, қадрлаган актёрни ўзбегимда севади, қадрлайди. Унга янада улкан ижодий парвозлар насиб этаверсин!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТАРАҚҚИЁТ

“ТОШКЕНТ-ТОЛА”: ТОЛАМИЗ ШУҲРАТИ ОШМОҚДА

Шу йил 14-15 октябрь кунлари пойтахтимизда V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бошқа соҳаларда бўлгани каби пахта хом ашёси етиштириш ва экспорт қилишда ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда. Пахтакорларимиз етиштираётган юқори сифатли тола узунлиги, пишиқлиги, ранги ва микронейр кўрсаткичлари жиҳатидан хорижлик харидорлар томонидан халқаро миқёсда кенг тан олинган.

Сифати жаҳон андозаларига тўла мос толамизнинг асосий қисми Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур, Польша, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар томонидан харид қилинмоқда. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тўқимачилик корхоналарининг ўзбек толасига эҳтиёжи тобора ортмоқда.

Юртимизда етиштирилган пахта толасини сотиш ва қайта ишловчиларга бевосита етказиб бериш, ўзбек пахтасининг нуфузи ҳамда экспорт салоҳиятини янада оширишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро пахта ярмаркаси муҳим аҳамият касб этаётир. Мазкур тадбир маҳсулотни харидорга воситачиларсиз, тўғридан-тўғри етказиб бериш механизмини янада такомиллаштириш, хорижлик харидорлар сафини кенгайтириш имкониятини яратмоқда.

Мамлакатимизда пахтакорларимиз етиштирган толани харидорларга пешма-пеш етказиб беришни йўлга қўйишга ихтисослашган йигирма иккита минтақавий пахта терминали фаолият юритмоқда. Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган “Тошкент-Тола” пахта терминали уларнинг энг йириги. Ҳудудлараро мақомга эга ушбу корхона пойтахт вилоятининг тўққизта пахта тозалаш корхонасида ҳамда Андижон вилоятида тайёрланган толани «Ўзсаноатмашимпекс», «Ўзмарказимпекс», «Ўзинтеримпекс» давлат акциядорлик ташқи савдо компаниялари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ички истеъмолчилар ҳамда хорижлик харидорларга етказиб бермоқда.

“Тошкент-Тола” пахта терминали кунига 500 тонна хом ашёни пахта тозалаш корхоналаридан қабул қилиш имконига эга. Шу билан бирга, терминалдан бир кунда 900 тоннадан ортиқ толани экспорт қилиш учун барча шарт-шароит яратилган. Корхонада толани юклаш ва ташиш ишлари замонавий автоюклагичлар ҳамда ўнга яқин «Мерседес-бенц» автопоездлари ёрдамида белгиланган манзилга ўз вақтида етказиб берилаётгани харидорлар мушкулини енгиллаштирмоқда.

Харидорларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ҳамда маҳсулот билан танишишни енгиллаштириш мақсадида икки йил аввал эркин омбор тизими йўлга қўйилди. Ҳозир терминалнинг омборларида бир вақтнинг ўзида 7 минг тонна пахта толасини сақлаш имконияти бўлиб, харидор сотиб олган хом ашёни хоҳишига кўра олиб кетилгунча омборларда сақлаши мумкин. Шунингдек, тола экспорти билан боғлиқ зарур ҳужжатларни тезда расмийлаштириш учун шу ернинг ўзида барча шароит яратилган. Корхонада Ўзбекистон «Сифат» марказининг лабораторияси, божхона, давлат карантин назорати пункти каби хизматларнинг ташкил этилгани олди-сотди ҳужжатларини қисқа вақтда расмийлаштириш имконини бермоқда. Экспортга жўнатиладиган пахта толаси ҳақидаги барча маълумотлар тезкорлик билан ташқи савдо компанияларига етказилади.

– 2008 йилда етиштирилган пахта ҳосилидан харидорларга 63 минг тонна тола етказиб бердик, – дейди «Тошкент-Тола» минтақавий пахта терминали директори Рашид Умархўжаев. – Айни пайтда 14-15 октябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган халқаро пахта ярмаркасига пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ушбу анъанавий ярмарка йилнинг энг қулай вақти – пахта толаси бозорида савдо фаоллашган пайтда ташкил этилиши ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар учун бирдек манфаатлидир. Корхонамизда барча омборхоналарни таъмирлаб, харидорларга янада қулайлик яратиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқдик. Кўргазма иштирокчиларини юртимизда етиштириладиган пахта хом ашёсига оид барча маълумотлар билан таништириш ниятидамиз.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

Қарор ва ижро

ИМТИЁЗЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда фойданилмай бўш турган бино ва иншоотларни тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни юксалтириш, сервис хизмати кўрсатиш даражасини яхшилаш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётир.

Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 8 апрелда қабул қилинган «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда. Мазкур қарор ижроси юзасидан Сурхондарё вилоятида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Маҳаллий ҳокимликлар ва давлат корхоналарининг бино-иншоотларига ижара ҳақининг ягона энг кам ставкалари, ижара тўловининг таянч ставка коэффициенти ва ҳудудий зоналар коэффициенти белгиланди, – дейди Давлат мулки қўмитасининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги ижара маркази давлат унитар корхонаси бошлиғи Норқул Тошпўлатов. – Янги коэффицентни белгилашда бино-иншоотни ижарага олувчи тармоқларнинг фаолият тури, даромад манбаи эътиборга олиниб, ижара нархи 40 фоизгача пасайтирилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасини оладиган бўлсак, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун давлат мулки биноси ижарага олинган тақдирда, бир квадрат метр фойдаланиладиган майдонга ижара ҳақининг энг кам миқдори 650 сўм, ветеринария хизмати учун 2 минг 250 сўм қийматида белгиланди. Ёки почта хизмати учун бир квадрат метр фойдаланиладиган майдонга 1 минг 500 сўм, электр, радио, пейджер ва уяли алоқа хизмати учун 12 минг 814 сўм миқдорида ижара ҳақи белгилаб қўйилди. Бошқа тармоқларда ҳам худди шундай нархлар белгиланиб, ижарага олувчилар учун имтиёз яратилди.

Давлат мулкини ижарага беришда талабгорларнинг буюртмасини кўриб чиқиш доимий комиссияси ташкил этилди. Мазкур комиссия ижара буюртмаларини адолатли ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Маълумотларга кўра, воҳада 750 дан ортиқ давлат корхона, ташкилот ва муассасаси хатловдан ўтказилиб, 32 минг 272,64 квадрат метр бўш жой аниқланди. Улар ижара шартномаси асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилди. Натижада қўшимча иш ўринлари яратилиб, аҳоли фаровонлигини ошириш имкони ортмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 29 январда қабул қилинган «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вилоятда ташкил этилган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини идора биноси ва омборхона билан таъминлашда ҳам салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Фойдаланилмай турган турар-жой биноларини, ишлаб чиқариш базаларини инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига белгиланган тартибда бепул ёки имтиёзли асосда узоқ муддатга ижарага бериш йўлга қўйилди.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ПАЙШАНБАСИЁБ – ЭНГ ЯХШИ ҚИШЛОҚ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 майда қабул қилинган «Қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жойларда салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Самарқанд вилояти туманларида мазкур танловнинг дастлабки босқичлари ўтказилди.

Тайлоқ туманида ташкил этилган танловда юзта қишлоқ аҳоли пунктининг бугунги ҳолати, бу масканларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражаси, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, одамлар учун муносиб турмуш шароити яратиш, замонавий коммуникация тармоқлари ва турар-жойлар барпо этишнинг ҳолати ўрганилди.

– Мазкур танлов қишлоқда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, қишлоқларни комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган бунёкорлик ишларини ўрганиш ва рағбатлантириш, бу борадаги мавжуд тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилади, – дейди «Маҳалла» жамғармаси Тайлоқ тумани бўлими раиси Толиб Насимов. – Уларга баҳо беришда қишлоқ аҳоли пунктининг меъморий қиёфаси, ижтимоий, маиший ҳамда муҳандислик инфратузилмалари билан таъминланганлик даражаси, аҳоли бандлиги каби муҳим жиҳатлар ҳисобга олинмоқда. Танлов баҳонасида қишлоқлар аҳолиси ўзлари яшаб турган масканни янада обод қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик орқали янги иш ўринлари яратиш, замон талаблари асосида ишлаш ва яшаш кўникмасини ҳосил қилаётир.

Танлов якунига кўра, 3,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Пайшанбасиёб қишлоғи «Тумандаги энг яхши қишлоқ» деб эътироф этилди ҳамда вилоят босқичига тавсия қилинди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар

УЙ-ЖОЙ ФОНДИ ОБЪЕКТЛАРИДА

Жорий йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишлари, шу жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган комплекс чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида муайян муваффақиятларга эришиб келяпмиз. Масалан, уй-жой қурилиши билан боғлиқ жараённи йилнинг биринчи ярми бўйича кузатадиган бўлсак, бунга янада амин бўламиз.

Бу борада Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотлар уй-жой фонди объектларини тайёр ҳолда топшириш шарти билан режалаштириш, дизайн, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган 413 та янги ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари тузилганини кўрсатмоқда. Мазкур ихтисослаштирилган корхоналар 912 та объектни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун қабул қилди. 1991 йилгача қурилган 1590 та кўп хонадонли уйлар капитал таъмирланмоқда, уларнинг 841 тасида таъмирлаш ишлари якунланди. Умуман, ҳисобот даврида 4007 минг квадрат метр, жумладан, якка тартибда уй-жой қуриш доирасида 3961 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳа, мана шу кўрсаткичнинг ўзи ҳам иқтисодиётимиз барқарор суръатларда ўсиб бораётганидан далолат.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ТАБИАТ

ОЁҚЛИ ИЛОН ТОПИЛДИ!

Хитойнинг жануби-ғарбидаги Суйнинг шаҳрида яшовчи аёл ўз уйида бир оёқли илонни кўриб қолди, деб хабар беради The Telegraph агентлиги.

Қўрқиб кетган аёл судралиб юрувчини шу заҳотиёқ ўлдирган ва спиртли идишга солиб қўйган. Аёлнинг айтишича, тирноқли оёқ ёрдамида ҳаракатланаётган илоннинг кўриниши уни даҳшатга солган.

Ҳозирда узунлиги 40 см атрофида бўлган бу ғаройиб илон Наньчап шаҳридаги West Normal University университети илмий ходимлари томонидан ўрганилмоқда. «Ёриб кўрмасдан олдин бундай ғалати турнинг юзага келиши сабабларини тушунтириб беришимиз қийин», – дейди илонлар бўйича мутахассис Лонг Шуай.

Илонларда иккинчи бошнинг ривожланиши оддий мутация ҳисобланиб, бу инсонлардаги Сиам эгизаклари учраши каби ҳолатдир. Ёввойи табиатда бундай мутацияга учраган илонларнинг яшаб кетиши қийин. Чунки бошлар кўпинча бир-бирига ҳужум қилишга мойил бўлади. Аммо оёқли илон ҳақида ҳозирча бирон нарса дейиш мушкул.



ДНЕПРДА ПИРАНЬЯ БОРМИ?

Бу «миш-миш» бир зумда барча киевлик балиқчилар орасида тарқалди. Қармоғига тишли йиртқич илинган «омадли» балиқчи эса ҳалигача уни ўзи тутганига ишона олмаяпти.

«Тушунсангизчи, унинг тишлари мана бу-у-ундай экан?! – дейди у ҳаяжонланиб. Дастлаб буни чўпчакка йўйиш мумкин эди, аммо 33 ёшли Андрей ўз ўлжасини суратга олгани бу ҳақиқат эканини исботлаб турибди. Ушбу ажойиб «топилма»нинг узунлиги 10 сантиметр.

Ўша куни эрталаб Андрей дўсти билан балиқ овига йўл олди. Ҳаммаси одатдагидек эди: мўлжалланган жойга етиб келишди, нарсалар жойлаштирилди, қармоқлар сувга ташланиб, кутиш бошланди... Бирдан пўкак қимирлади! Андрей ўлжани тортиб чиқарди. Қармоқда эса узунлиги тахминан 10 см атрофида бўлган ғалати балиқча қимирлаб турар эди. Икки дўст унга яхшилаб қараб, қотиб қолишди!

– Унинг оғзи ёпиқ эди, аммо биз кўринишидан бу пиранья эканлигини тахмин қилдик. Уни қармоқдан чиқариб олиш ҳам хавфли эди, – деб тан олади балиқчи. Албатта хавфли-да, чунки асосан Амазонкада яшовчи бу йиртқич балиқча бемалол бармоғингизни узиб олиши мумкин!

Балиқ сурати экспертларга юборилганда, улар ҳам гавда тузилиши ҳамда сузгичлар, шунингдек кулранг–мовий рангига кўра унинг пиранья эканлигини тасдиқлашди. Зоолог Алексей Василюк эса ҳаётида бундай балиқни кўрмаганини айтиб, буни ҳақиқий мутация деб ҳисобламоқда.

Эслатиб ўтамиз, бу Украинада «тишли» йиртқичлар учраган биринчи ҳолат эмас. Аввал ҳам Днепропетровскдаги Косянка кўлида балиқчилар пираньядаги каби қўрқинчли тишларга эга бўлган 5 та балиқни топишган. Ўлжаларни чиқариб олишаётганда, қонхўр йиртқич балиқчилардан бирининг кафтини, бошқасининг эса бармоғини тишлаб олган. Етиб келган мутахассислар тахминлар тўғри эканлигини тасдиқлашган. Бу ҳақиқий Амазонка пираньяси, бунинг устига унинг энг хавфли тури – наттетер (қизил пиранья) эди.

ЯЙЦА ДИНОЗАВРА НА БЕРЕГУ ДОНА



Яйца ископаемого животного, возраст которых предположительно составляет около 90 миллионов лет, обнаружили на берегу реки Дон ученики Каменской средней школы №2 (Воронежская область).

Сенсационную находку школьники обнаружили во время «урока на природе», который устроила им учительница биологии Наталья Богданова.

– Мы гуляли на берегу Дона, неподалеку от села Марки, – рассказала «Известиям» Наталья Александровна. – Там много меловых отложений, и ребята обычно ищут кусочки мела, из которых делают фигурки. Вдруг кто-то наткнулся на странный предмет, частично «вросший» в мел. Ребята откопали его и принесли мне. Мы и раньше находили в мелу интересные окаменелости вроде морских ежей, но тут я сразу поняла, что это, как ни странно, яйца динозавра! Мы поискали и нашли еще несколько яиц. Почти все разбитые, но одно великолепно сохранилось – оно целое!

По словам геологов, возникновение мела на территории этой области относится к турон-коньякской эпохе, когда на этом месте плескалось доисторическое море – то есть более 90 млн. лет назад. После того как была проведена рентгеновская съемка сохранившегося яйца, оказалось, что находка действительно представляет огромную ценность: на снимке отчетливо виден зародыш хвостатого динозавра. Подобных ископаемых в мире единицы.

– Это феноменальная находка, – рассказал нам Игорь Барсков, заведующий кафедрой палеонтологии МГУ им. Ломоносова. – В России и обычных-то окаменелостей находят немного. А яиц, насколько мне известно, не находили до сих пор ни разу. Так что это огромная удача. Изучая этот экспонат, ученые смогут сделать массу новых выводов относительно той эпохи и ее обитателей.

ЯНА БИР МЎЪЖИЗА

Британиялик фермер Кен Морриш ўз боғида ғалати хусусиятга эга бўлган олмани топди. Яъни, бу олманинг ярми яшил, иккинчи ярми эса қип-қизил рангда эди. Шуниси қизиқки, олмадаги ранглар чегараси мутлақо тенг.

72 ёшли боғ соҳибининг таъкидлашича, бу олма «Голден Делишез» навига тегишли. Олманинг ушбу нави учун эса асосан сариқ ранг характерли. Мутахассислар таъкидлашича, «ғаройиб» олманинг пайдо бўлиш эҳтимоли миллиондан бир имконга тенг бўлган. Олманинг ранги эса ўта кам учрайдиган генетик мутация, деб тушунтирилмоқда.

Морришнинг айтишича, бу олмани биринчи марта кўрганида у ўз кўзларига ишонмаган. Чунки у 45 йилдан буён олма етиштириш билан шуғулланади, аммо бирон марта ҳам бундай ҳолга дуч келмаган. «Бундан хабар топган қўшниларим ғаройиб олмани суратга олиш учун навбатга туриб олишди», деб ҳикоя қилади Морриш журналистларга.

Соҳа мутахассисларининг фикрича бундай кўринишга эга бўлган олмалар навини яратиш эҳтимоли жуда кам. Аммо, «ғаройиб» олмадан фойдаланган ҳолда бунга ҳаракат қилиб кўриш мумкин. Маълумки, олма рангига унинг пишиб етилиш даврида олган қуёш нурлари таъсир кўрсатади. Бундан фойдаланувчи британиялик боғбонлар кўпинча мева юзасида расм чиқариш учун олмаларга наклейкалар ёпиштириб қўйишади.

М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.

РЫБА БЕЗ КОЖИ И ЧЕШУИ

Бразильские ученые из северо-восточного штата Баия выловили у побережья страны рыбу, с которой науке сталкиваться еще не доводилось.

Рыба длиной 183 сантиметра и весом около 40 килограммов случайно попалась на крючок на глубине около 1000 метров во время научного эксперимента. Еще во время подъема рыбы на поверхность исследователей поразил ее необычный внешний вид – у рыбы не было кожи и чешуи, а тело состояло из желеобразной массы, по консистенции напоминающей жир.

Океанологам предстоит классифицировать находку и определить предполагаемый ареал обитания необычной рыбы. После исследования найденный экземпляр будет передан в музей Федерального университета бразильского штата Баия.



СПОРТ

Баскетбол. Открытый Кубок Независимости

УБЕДИТЕЛЬНЫЙ РЕВАНШ ХОЗЯЕВ

Для баскетболистов ташкентского МХСК последняя игра Кубка Независимости, проведенного в баскетбольном центре в ЦДО, имела самое принципиальное значение. Ведь совсем недавно, на международном турнире в Бишкеке, наши земляки обидно уступили в дополнительное время именно «Каспию» из Актау.

Причем к этой встрече баскетболисты МХСК подошли в ранге единоличного лидера турнира. Они нанесли поочередно поражения командам Ташкентского государственного технического университета (ТГТУ) – 84:55, «Ак барс» из Бишкека (80:44), «Южанин» из Навои (77:59) и «Нукус» (119:41). Как видим, самой трудной для армейцев была игра против «Южанина». Кстати, игроки из Навои со счетом 83:79 вырвали победу у «Каспия».

Вот и в последний день турнира игра именно «Южанина» против «Ак барса» до самого финального свистка арбитра держала в напряжении зрителей. Еще за 38 секунд до конца этого матча со счетом 69:68 вели гости из Киргизии. Однако за счет более удачной концовки, точного исполнения штрафных бросков победу со счетом 72:69 отпраздновал «Южанин».

Огорчение тренера «Ак барса» Алексея Сергиенко можно понять: победа была почти в руках. Но на просьбу выразить свое мнение о турнире он отреагировал доброжелательно.

– Раньше мы с большим удовольствием приезжали в Ташкент на турнир «Спрайт челлендж», – говорит Алексей Юрьевич. – Умеют здесь организовать состязания, да и состав соперников всегда сильный. А чего еще можно желать для «обкатки» состава? Да, обидно проигрывать, но мы сегодня уступили не кому-нибудь, а второй команде Узбекистана.

Баскетболисты ТГТУ под занавес турнира одолели «Нукус» со счетом 99:62, закрепившись на пятом месте. И, наконец, самым изысканным «блюдом» для гурманов баскетбола стал матч МХСК против «Каспия».

Буквально до середины третьей четверти игры ни одна команда не могла уйти в отрыв. Подопечные майора Олега Левина чуть уступали в росте гостям из Казахстана, с лихвой компенсируя это высокой быстротой передвижения по площадке. Игроки из «Каспия» от этого сильно нервничали, совершая фолы под своим щитом. Особенно часто доставалось от них нашему юркому Хасану Рахимову, который сам же успешно пробивал все штрафные броски.

В ходе минутных тайм-аутов помощник старшего тренера МХСК Батыр Миродылов успевал дать короткие установки по игре против соперников, исходя из складывающейся реальной обстановки.

– Нам очень помогла поездка на чемпионат Азии в Китае, – говорит он. – После него перестроили всю систему подготовки, сделали сильнее акцент на физических кондициях. Теперь мы можем в ходе одного матча применять три системы игры в защите. Словом, не отстаем от мировых тенденций.

К слову, у команды сложились отличные партнерские отношения с СДЮШОР-7, где тренером Эдуард Борохов. Все молодые таланты пришли в клуб именно оттуда. В ходе турнира не было ярко выраженных бомбардиров, забивали почти все и с разных дистанций. Тренеры отметили игру нападающего Хурмата Нуралиева, центрового Александра Яхина, атакующего защитника Вячеслава Денисова, особо подчеркнув эффективность командных действий.

Финал матча между МХСК и «Каспием» вышел не таким уж драматичным: итоговый счет 66:53 вполне реально отобразил весомый перевес хозяев площадки. По итогам турнира победу праздновал МХСК, второе место у «Южанина» и третье у «Каспия». Лучшим центровым был признан Артем Валов из «Каспия», лучшим нападающим – Самандар Жугинисов из «Южанина», лучшим защитником – Хасан Рахимов из МХСК.

– Скоро стартует очередной чемпионат Узбекистана, – делится планами на конец года старший тренер МХСК майор Олег Левин. – А в декабре нас пригласили на международный турнир в Бишкек. Приятно, что удалось взять реванш у команды из Казахстана, хотя и тогда мы должны были выигрывать, но подвела реализация бросков. Сегодня тоже у меня нет к моим ребятам претензий по игре в целом, просто в первой половине не пошли дальние броски. Когда точность наладилась, все встало на свои места.

Е. АЙНАТДИНОВ.
Фото **автора.**

Легкая атлетика

ОПЯТЬ АРМЕЙЦЫ ВСЕХ СИЛЬНЕЕ

К такому выводу можно прийти с чувством удовлетворения по итогам открытого чемпионата Узбекистана, где выступили также спортсмены из Казахстана, Киргизии и Таджикистана. Тем весомее выглядит тот факт, что в активе атлетов МХСК 31 медаль!

Отлично проявили себя наши спринтеры. На дистанциях 100 и 200 метров не было равных Олегу Журавлеву, в барьерном беге на 110 метров и толкании ядра победил наш десятиборец Рифат Артыков, 100 метров с барьерами среди женщин быстрее всех промчалась Анастасия Прошкина.

В секторах для метаний и прыжков опять лидировали атлеты МХСК. Лилия Дусметова дальше всех метнула копье, у Елены Смольяновой дальше всех улетел диск, да и в толкании ядра у Лены серебряная медаль. Младший сержант Надия Дусанова выше всех взлетела над планкой, в прыжках в длину сильнейшим стал Сергей Мануилов, в тройном прыжке – Александра Котлярова.

На дистанции 800 метров достойно заменила сошедшую из-за травмы Анну Сидорову Ирина Мороз, став чемпионкой.

Солидным получился и «урожай» серебряных наград. Так, на дистанциях в 5 и 10 километров вторым финишировал рядовой по контракту из ЧВТКИУ Ортик Рамазанов, у рядового по контракту из СВВАКИУ Ильхома Назарова на этих же дистанциях «бронза».

Среди серебряных призеров немало спринтеров: Оксана Кошелева (200 метров) Акбар Умаров (100 метров), Артем Дятлов (400 метров с барьерами) и Саад Багади (400 метров). Вторые места заняли также Алексей Щукин (толкание ядра), Анастасия Семибратова (метание копья), Александра Котлярова (прыжки в длину).

И среди обладателей бронзовых наград есть атлеты МХСК. Это Альбина Сибагатулина (100 метров), Сергей Мануилов (100 метров), Марат Хайдаров (десятиборье), Диана Плумаки (тройной прыжок). «Бронза» также в активе нашей четверки в эстафете 4х100 метров в составе Мустафо Рахманова, Али Сайеда, Бахрома Холхужаева и Аббоса Ташматова.

– Особенно порадовала юношеская эстафетная команда, – говорит старший тренер МХСК по легкой атлетике сержант Анвар Кучмурадов. – Следующим состязанием для нас станет открытый чемпионат МХСК с участием атлетов Таджикистана и Казахстана. А завершится сезон Азиатскими играми в закрытых помещениях в столице Вьетнама Ханое и чемпионатом Азии в китайском городе Гуанчжоу.

Хочется пожелать армейцам достойно представить нашу страну на международных состязаниях самого высокого уровня.

Наш корр.

Велоспорт. Кубок Узбекистана

ЭЛЬДАР ПОДТВЕРДИЛ МАСТЕРА

На Кубке Узбекистана по велоспорту, проходившем в конце сентября на дорогах столичной области, норму мастера спорта вновь подтвердил армеец из Сырдарьи Эльдар Мукменов.

Эльдар стал победителем в гонке-критериум на 64 километра, третье место на этой дистанции у его одноклубника Константина Калинина.

В гонке на время на 24,6 километра победителем стал Мурад Халмурадов из Ташкентской области, у Эльдара Мукменова серебряная награда.

Худжат ТУХВАТУЛИН,
старший тренер МХСК по велоспорту.

ЎЗБЕК БОКСИ ЖАҲОН СПОРТИ ШОҲСУПАСИДА

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ САОДАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз чарм қўлқоп усталарининг эришган бу юксак муваффақиятлари аввало, юртимиз мустақиллиги ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликларнинг амалий самараларидир. Истиқлол шарофати билан ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек, спортни ҳам жадал ривожлантириш, ўзбек спортчиларининг нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиши учун имконият яратилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни вояга етказиш юксак мақсад этиб белгиланди. Ана шу эзгу мақсад йўлида, ёшларимизнинг ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этиши, маҳоратини муттасил ошириб бориши, юксак маънавиятли, баркамол инсонлар сифатида камолга етиши учун улкан куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бунинг самарасида юртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит яратилмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада спорт мусобақалари бераётган юксак самаралар, болалар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Юртимизда кўплаб замонавий спорт мажмуалари, сув спорти саройлари, стадионлар барпо этилиб, спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланмоқда. Халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлашга хизмат қилаётган бундай замонавий иншоотлар оммавий спорт ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир томондан, болаларимиз замонавий шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда жисмоний чиниқаётган бўлса, бошқа томондан, халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтаришга қодир ёш спортчиларнинг янги авлодлари етишиб чиқмоқда.

Ҳозирги кунда юртимизда спортнинг оммалашган элликдан зиёд туридан ўттиздан ортиғи Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган. Бунда Президентимизнинг соҳага оид фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида янги болалар спорти иншоотларини барпо этиш, спорт анжомлари ва жиҳозлари, кийимкечаклар ва чарм пойабзал маҳсулотларини мамлакатимизда ишлаб чиқариш, мактабларда, айниқса, қишлоқ мактабларида жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш, аҳоли ўртасида спорт маданиятини юксалтириш, оммавий спорт тарғиботини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар муҳим омил бўлаётир.

Спорт тарғиботини ривожлантириш, спортчиларни ижтимоий ҳимоялаш, соҳада катта ютуқларга эришган фуқаролар, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган спорт устозларини, ёшларни тақдирлаш, соҳани педагог мураббийлар ва малакали кадрлар билан таъминлаш масалалари доимий эътиборда.

Қувонарлиси, бундай қулай шарт-шароит нафақат спорт майдонларида, балки ҳаётдаги интилишларида ҳам ёшларимизнинг парвозига қанот бағишлаб, уларни иродаси мустаҳкам, эл-юртига садоқатли, Ватан шаъни, шарафи учун астойдил курашадиган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз боксчиларининг жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпия ўйинларидаги муваффақияти туфайли ўзбек бокс мактаби дунёда энг кучлилардан бири сифатида эътироф этилди. Италияда ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз Ўзбекистон бокс юксак даражада ривожланган мамлакатлардан эканини яна бир карра намойиш қилдилар. Аббос Атоев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, иккинчи маротаба жаҳон чемпиони бўлди. У бундан икки йил муқаддам АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан эди. Элшод Расулов кумуш, Афина Олимпиадаси совриндори Баҳодир Султонов ва ёш боксчи Ботир Маҳмудов бронза медални қўлга киритди.

Жаҳон чемпионатида 133 мамлакатдан 554 нафар боксчи қатнашди. Бу бокс бўйича иштирокчилар сони жиҳатидан жаҳон чемпионатлари тарихидаги рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Шу боис барча вазн тоифасида баҳслар муросасиз кечди.

Аббос Атоев Миландаги дастлабки жангида ганалик Аҳмад Саракуни 16:4 ҳисобида доғда қолдирди. Иккинчи босқичда эса кунчиқар юрт вакили Кентаро Хаяши билан куч синашди. Ушбу баҳс бор-йўғи бир раунд давом этди. Боксчимизнинг кетма-кет берган кучли зарбаларини ўтказиб юборган япониялик боксчи нокаутга тушди.

Юртдошимиз кейинги босқичларда бразилиялик Ямагучи Флорентино, германиялик Константин Буга, ҳиндистонлик Кумар Вижендерни мағлубиятга учратди. Финалда эса 2008 йилги жаҳон кубоги соҳиби – арманистонлик Андраник Акопянни 9:0 ҳисобида мағлуб этди. Музаффар спортчимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ва қитъа чемпионати ғолиби Элшод Расулов финалгача бўлган баҳсларда кениялик Ндере Жошуа, доминиканлик Жильберт Кастильо Ривера, германиялик Рене Краусе, франциялик Абдулқодир Баухения устидан зафар қучди.

Баҳодир Султонов ва Ботир Маҳмудов чемпионатнинг бронза медали соҳиби бўлди. Ўзбекистон боксининг келажаги сифатида эътироф этилаётган Осиё чемпиони Санжарбек Раҳмонов, Шаҳриёр Исоқов, Рамз Аҳмедов, Хуршид Тожибоев каби ёшларимиз учун жаҳон чемпионати катта тажриба мактабини ўтади.

– Нуфузли халқаро мусобақаларда Ватан шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчи учун катта бахт ва менга бу толе насиб этаётганидан бениҳоя хурсандман, – дейди икки карра жаҳон чемпиони А.Атоев. – Бундай беллашувларда халқимиз ва Юртбошимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигини доим ҳис қилиб турамиз. Бизни бундай маҳорат ва жасорат соҳиби этиб тарбиялаган она Ватанимиз олдидаги масъулият бизга катта шижоат ва ғайрат бахш этади.

– Мамлакатимиз спортчилари, жумладан, боксчиларимизнинг жаҳон майдонларида юқори натижаларга эришаётгани Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самараларидир, – дейди бокс бўйича мамлакатимиз терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев. – Юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш ва фарзандларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли қитъа ва жаҳон биринчиликларида муносиб иштирок этаётган спортчиларимизнинг сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда, совриндорларимиз кўпаймоқда, байроғимиз юксакларга кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграмоқда.

Маросимда сўзга чиққан боксчилар Аббос Атоев, Элшод Расулов, Баҳодир Султонов, Ботир Маҳмудов, терма жамоа катта мураббийи Олим Муҳамедов, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Лайло Абдуллаева ва бошқалар мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган улкан эътибори учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этдилар. Спортчиларимиз бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда, хусусан, 2012 йили Лондонда (Англия) бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам давлатимиз байроғини янада баланд кўтаришини таъкидладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Абдуллаев иштирок этди.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДАН МИННАТДОРМИЗ

Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун бокс бўйича терма жамоамиз аъзолари ва мураббийларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси – "Нексия" ва "Матиз" автомобиллари топширилди.

Аббос АТОЕВ, "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби.

Кетма-кет икки марта жаҳон чемпионлигига эришган биринчи ўзбек чарм қўлқоп устасидир. Бухоро давлат университетини тамомлаган. Халқаро тоифадаги спорт устаси. 1986 йили Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Кўлхатиб қишлоғида туғилган Аббос Атоев ўн ёшидан устози Олим Муҳамедов раҳбарлигида бокс билан шуғулланади. 2004 йилдан бери халқаро миқёсдаги мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган боксчимиз Жанубий Кореяда ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида учинчи, Туркиядаги талаба-ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккинчи, Мўғулистонда бўлган Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллаган. 2007 йил АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медаль соҳиби бўлган.

Аббос Атоев Бухоро вилоятидаги 2-болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида мураббийлик қилади.

– Миландан келиб, тўғри онамнинг олдига бордим. Мамлакатимиз мустақил, юртимиз тинч ва осойишта бўлмаганида, Юртбошимиз ёшларга, спортчиларга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатмаганида, сендай оддий қишлоқ фарзанди шундай ютуқларга эриша олармидинг, дедилар онам ва миннатдорлик сўзлари билан Президентимизни дуо қилдилар. Халқаро майдонда қўлга киритаётган ютуқларимиз, шубҳасиз, истиқлолимиз шарофатидандир. Озодлик бизга ўз Ватанимиз шарафи учун курашиш имконини берди. Бугун дунёдаги кўплаб бокс мухлисларию мутахассислари наинки Ўзбекистонни, балки мен туғилган Кўлхатиб қишлоғини ҳам жуда яхши биладилар. Президентимиз Ислом Каримов 2007 йили АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатидаги ғалабам учун мени "Эл-юрт ҳурмати" ордени ва "Нексия" автомобили билан тақдирлаган эди. Ўшанда бўлажак нуфузли мусобақаларда яна шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, бизни шу даражага етказган Ватанимиз, Юртбошимиз ва халқимиз ишончини оқлашга сўз берган эдим. Италияда иккинчи маротаба жаҳон чемпиони бўлдим ва сўзимнинг устидан чиққанимдан бахтиёрман.

Мамлакатимизда инсонни, унинг меҳнатини қадрлашга ва муносиб рағбатлантиришга доимо катта эътибор қаратиб келинмоқда. Италияда эришган ғалабамни юксак баҳолаб, "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони ва автомобиль билан тақдирлагани учун Юртбошимиздан беҳад миннатдорман.

Элшод РАСУЛОВ, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби.

1986 йили Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилган. Фарғона давлат университетини тамомлаган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Ўн беш йилдан буён тажрибали мураббий Наби Бойматовдан бокс сир-асрорларини ўрганиб келмоқда. Болалигидан катта салоҳиятга эга эканини намойиш қилиб, мамлакат миқёсидаги мусобақаларда ғалаба қозонган Элшод Расулов Ўзбекистон ўсмирлар ҳамда ёшлар терма жамоалари сафида жаҳон биринчиликларида олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган. 2004 йил ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони. 2006 йил ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон чемпиони ва Осиё ўйинлари ғолиби бўлган. 2007 ва 2009 йиллари Осиё чемпиони.

– Муҳаммадқодир Абдуллаев Олимпиада чемпиони бўлганида ва уни Президентимиз қутлаганида мен 13 ёшда эдим. Ўшанда машҳур боксчимизга чин дилдан ҳавас қилган ва мен ҳам бир кун келиб шундай ютуқларга эришсам, Ватанимизнинг жаҳон спорт майдонларидаги нуфузини янада оширишга ҳисса қўшсам, деб орзу қилган эдим. Шу боис Миландаги ютуғимни энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлайман. Қўшалоқ байрамимиз кенг миқёсда нишонланаётган пайтда биз Италиядаги жаҳон чемпионатининг дастлабки жангларига киришган эдик. Терма жамоадаги йигитлар билан мазкур тантаналарга муносиб совға тайёрлашга аҳд қилдик. Бу бизга катта куч ва шижоат бағишлади. Юртбошимиз Ислом Каримов ва халқимиз ишончини оқлаш учун навбатдаги жаҳон ва қитъа чемпионатларида, хусусан, 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Баҳодир СУЛТОНОВ, "Дўстлик" ордени соҳиби.

1985 йил 15 январда Андижон вилояти, Андижон туманида таваллуд топган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи. Халқаро тоифадаги спорт устаси. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси. Баҳодир Султонов Ўзбекистон терма жамоасининг энг тажрибали аъзосидир. Андижон бокс мактабининг кучли вакилига айланган Баҳодир ўн икки ёшидан бери Алишер Абдуллаевдан бокс сир-асрорларини ўрганмоқда. Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони. 2003 йили Таиландда ўтказилган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллаган. Ҳиндистонда ўтган Афро-Осиё ўйинлари ғолиби. 2004 йилда Осиё чемпионатида ғалаба қозонган ва Афина Олимпиадасида ҳам шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилган. 2006 йили Осиё ўйинлари ғолиби.

– Камтарона меҳнатларимизни Ватанимизнинг юксак мукофотлари ва автомобиль билан тақдирлаган Юртбошимиздан миннатдормиз. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўғил-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга истеъдодли спортчиларни тарбиялашга ҳам хизмат қилмоқда. Шу боис иқтидорли спортчиларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир. Бугунги кунда ёшларимиз учун барча соҳаларда ўз истеъдоди ва салоҳиятини намойиш этиши, таълим олиши, спорт билан шуғулланиши учун йўл очилган. Бундай қулайликлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз равнақи учун хизмат қилиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ботир МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони соҳиби.

1990 йилда Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида туғилган. Андижон давлат университетида таҳсил олмоқда. 2006 йилда Вьетнамда ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати кумуш медали соҳиби бўлган. 2008 йили Мексикада ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган.

– Бундай юксак унвон билан тақдирланганимдан ғоят бахтиёрман. Бу Юртбошимизнинг ёшларга қаратаётган улкан эътиборининг яна бир ёрқин ифодасидир. Мен болалигимда Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров каби машҳур боксчилар сингари халқаро майдонларда муносиб қатнашишни орзу қилар эдим. Орзуларим рўёбга чиқаётганидан жуда хурсандман. Устозларимни уларнинг касб байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин юракдан табриклайман. Мен каби спортчи ёшлар кўп. Биз, ёшларга яратилган шароит, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун Юртбошимиздан ғоят миннатдормиз.

Шароф ХУДОЙБЕРДИЕВ, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби.

– Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Пекин Олимпиадаси кунлари мамлакатимиз спортчилари билан учрашиб, омад тилаган эди. Биз ўшанда бу юксак ишончни оқлашни дилимизга туккан эдик. Ўзбек бокс мактаби доимо дунёда етакчилардан бўлиб келган. Миландаги жаҳон чемпионатида боксчиларимиз буни яна бир карра исботладилар. Нуфузли мусобақаларда ғалаба қозониш тасодифан бўлмайди. Ўзбекистон спортчилари, жумладан, чарм қўлқоп усталарининг муваффақиятида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда аҳолини ва, айниқса, ёш авлодни соғлом турмуш тарзига жалб қилишга, барча спорт турлари қаторида боксни ривожлантиришга, малакали кадрлар – мураббийлар, ҳакамлар ва мутахассисларни тайёрлашга, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётгани бош омил бўлмоқда.

Ҳар бир мураббийнинг асосий вазифаси мамлакатимизда оммавий спортни ривожлантириш орқали ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол, ўз халқига, Ватанига садоқатли, мард, жасур, ўз олдига қўйган мақсадлар сари қатъият билан интилувчи инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир. Мен ҳам ана шу мақсад йўлида тажрибам, билимим ва меҳнатимни бундан кейин ҳам аямайман.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари.

МАДАНИЯТ

Музыка в боевом строю

СБОРЫ ВОЕННЫХ ДИРИЖЕРОВ

Каждый, кто хотя бы раз в жизни слышал выступление военного духового оркестра, знает, что военная музыка обладает мощной силой непосредственного эмоционального воздействия на слушателей. На протяжении всей военной истории она играет огромную культурно-воспитательную роль в военной среде. И при каждом исполнении очень важна роль военного дирижера, непосредственно руководящего военным оркестром. Он не только обеспечивает согласованность и стройность исполнения, задает темп, динамичность, оттенки, но и придает каждому музыкальному произведению то или иное неповторимое художественное истолкование.

В ходе проведенного на днях учебно-методического сбора военных дирижеров воинских частей и учреждений Министерства обороны не раз подчеркивалось, что личный пример военных дирижеров – вот главный путь для достижения высокой профессиональной выучки военных оркестров.

Как отметил в своем докладе «Цели и задачи военно-оркестровой службы МО РУ» П. Макаров, обучающий сам должен в совершенстве владеть всем тем, чему он учит своих подчиненных. Важнейшим условием повышения профессиональной подготовки военных музыкантов является непрерывное совершенствование методического мастерства военных дирижеров.

Именно поэтому в ходе сборов главное внимание было уделено проведению практических занятий по основам методики и организации службы оркестра в строю. Естественно, местом их проведения стал плац, на котором прибывшие из военных округов дирижеры под руководством опытных наставников отрабатывали навыки управления оркестрантами. Со стороны это выглядело очень красиво, ведь в роли подчиненных были задействованы музыканты Отдельного образцово-показательного оркестра Министерства обороны. Дирижирование оркестром – дело сугубо практическое. Здесь каждый прием нужно отрабатывать многократными тренировками, которые не прекращаются и в последующем, иначе будет потеряна четкость и красота исполнения. Большое значение имеет личная строевая выучка офицеров и сержантов, умение образцово показать строевые приемы и действия, постоянно соблюдать высокую требовательность к подчиненным.

Наряду с практическими занятиями, участники сборов прослушали доклады подполковника И. Хикматова, подполковника М. Абилова и майора С. Фаттаева о роли и значении военной музыки в духовно-нравственном воспитании молодежи, об участии военного оркестра в организации культурно-досуговой работы, о формах и методах воспитательной работы по повышению у военнослужащих примерности в службе и дисциплине.

Опытные специалисты оркестровой службы провели ряд методических занятий по основам инструментовки строевых песен, организации мероприятий по повышению профессиональной подготовки музыкантов, ведению документации по оркестровой службе, улучшению служебно-творческой деятельности военных оркестров.

Работая вместе с такими мастерами, как капитан К. Атамирзаев, военные дирижеры капитан Баходир Саиджанов и сержант Шариф Алимов, чьи оркестры в нынешнем году были признаны лучшими в Министерстве обороны, каждый из участников сбора узнал для себя много нового, интересного. Несомненно, данный сбор обогатил их новыми знаниями и навыками, а главное – огромным желанием и дальше повышать исполнительское мастерство своего военного оркестра.

Владимир КАЛОШИН.
Фото **автора.**

Обуна–2010

«ВАТАНПАРВАР» — БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий мерослари, қадриятлари, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи — 114.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Курбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. КАМОЛОВ, капитан Т. ЖУМАНАЗАРОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 23400.

Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-82-18.